

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ ЧЕТ ТИЛЛАР ИНСТИТУТИ

Мамлакатхон Нурматова

**МУЛОҚОТ ВА МУОМАЛА
ПСИХОЛОГИЯСИ**

Самарқанд - 2016

Нурматова Мамлакатхон. Мулоқот ва муомала психологияси. Ўкув-услубий қўлланма. – Самарқанд: СамДЧТИ, 2016. – 56 б.

Мазкур ўқув-услубий қўлланмада инсонлар ўртасидаги мулоқот ва муомала психологиясининг ўзига хос жиҳатлари батафсил ёритилган. Унда барча мулоқот ва муомалага оид билимлар илмий нуқтаи назар билан ёндашилган ҳолда баён этилган.

Ушибу ўқув-услубий қўлланма олий таълим муассасалари талабалари ҳамда кенг омма учун мўлжсалланган.

Масъул мухаррир: **ф.ф.н. Ф.Ш. Рўзиқулов**

Тақризчилар: **п.ф.н., доцент С.Т. Юлдашева,**
п.ф.н., доцент М. Турсунова

КИРИШ

Ривожланиб бораётган жамиятимизда соғлом авлодни, комил инсонларни вояга етказиш масаласига катта эътибор берилмоқда. Комил инсоннинг муҳим сифатларидан бири мулоқот ва маданиятидир. Етарлича шаклланмаган мулоқот маданиятисиз соғлом ижтимоий муносабатларни ўрнатиш мушкул. Ўз мустақил тараққиёт йўлидан бораётган Республикамиз ёшларини янгича ижтимоий муҳитга тайёрлаш, давр руҳида тарбиялаш – долзарб ва устувор вазифалардан биридир.

Хозирги кунда Республикамизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг ривожи ёшларнинг маънавий қиёфасига, шахсий баркамоллигига ҳам кўп жиҳатдан боғлиқ. Бу вазифаларни амалга ошириш инсоннинг ўзаро муносабатларида демократик тамойилларнинг теран тафаккур этишни тақозо этади. Мулоқот давомида ижтимоий ва шахсий муносабатлар амалга ошади, унинг воситасида ҳамкорликдаги фаолият рўёбга чиқарилади. Мулоқот психологияси соҳасидаги билимларни ёшлар, айниқса, бўлажак ўқитувчиларга етказиш уларнинг психологик саводхонлигини оширади; маънавий-ахлоқий тарбиясини юксалтиришга, бўлгуси педагогик фаолиятларини муваффақиятли амалга оширишга ёрдам беради. Миллий психологиянинг асосий вазифаси ёшлар онгига миллий ғояни шакллантиришdir. Бунда мулоқот катта аҳамиятга эга. Республикамизда истиқболда амалга оширишга мўлжалланган ғоялар мавжуд. Улар ватанимиз тараққиётини белгилаб берувчи истиқбол дастури вазифасини бажариб келмоқда. Ватанимизнинг миллий ғояси барча миллатлар учун умумийдир. Миллий ғоя фуқароларнинг диний эътиқоди, ижтимоий келиб чиқишидан қатъи назар баҳтли турмуш, фаровон ҳаёт, ўзаро тотувлик, мустақиллик туйғусига садоқат, эзгу ниятлари ушалишини кафолатлади.

Маълумки, инсоният жамияти тараққий этиб борган сари одамларнинг ўzlари ҳам, уларнинг бир-бирлари билан бўладиган ўзаро муносабатлари ҳам, айниқса, шахслараро муносабатлар орасида энг самимий, энг яқин бўлган инсоний муносабатлар ҳам такомиллашиб, ўзига хос тарзда мураккаблашиб боради. Сабаби: хозирги замон фан-техника тараққиёти, ишлаб чиқариш муносабатлари, воситалари тараққиёти, қишлоқ хўжалиги, саноат ишлаб чиқариши, умуман, халқ хўжалигининг барча жабҳаларида

бевосита шу жараёнларнинг яратувчиси, иштирокчиси бўлган инсон омилига, инсон шахсига ҳам ўзига хос, янгича талаблар қўймоқда.

Мулоқот фақат инсонларга хос бўлган жараёндир. Кишилар фаолият жараёнида бир-бирлари билан мулоқотда бўлиш эҳтиёжи туғилади. Ўзаро мулоқот эса, табиийки, кишилик жамияти вужудга келишининг энг асосий унсури ҳисобланади. Одамлар ўртасидаги мулоқот ва унинг умумий қонуниятлари одам турмуш тарзининг барча жабҳаларида бошқа одамлар билан бўладиган ўзаро муносабатининг энг муҳим шартларидан ҳисобланади. Одамнинг ақли, иродаси, ҳиссий маданияти, тарбияланганлиги ва шу кабиларнинг барчаси мулоқот туфайли шаклланган хислатлардир. Мулоқот маданиятига биринчидан, ўзини-ўзи билиш ва бошқа одамларни тушуна олиш қобилияти, яъни уларнинг психологик хусусиятларини тўғри баҳолай олиш, иккинчидан уларнинг хулқи ва ҳолатларига нисбатан мос муносабат билдира олиш, учинчидан, ҳар бир одамга нисбатан унинг шахсининг индивидуал хусусиятларга энг маъқул келадиган мулоқот шакли, усулларини танлай билиш киради. Мулоқот ва муомала психологияси ёшларнинг маънавий дунёсини бойитиш, янгича тафаккурни шакллантириш, мулоқот маданиятини ўзлаштиришни таъминлаш каби мақсадлар қўяди.

Инсоннинг моҳияти ижтимоий-сиёсий муносабатлар йиғиндиси эканлиги ва инсоннинг жамият аъзоси сифатидаги ўрни, инсонда жамиятда дахлдорлик сифатларининг бўлиши, ҳар бир кишининг мулоқот ва муомала жараёнида кўзга кўринмас ришталардан фойдаланиш, таълим-тарбия жараёнида самарага эришиш учун барчаси психологик билимларга таянган ҳолда эришилади. Мулоқот ва муомала психологияси номли ўқув-услубий қўлланма психология фанининг бир неча тармоқлари билан боғлиқ ҳолда ёзилган бўлиб, барча психология фанига қизиқувчи инсонларга, талаба ва ўкувчи ёшларга мўлжалланган.

МУЛОҚОТ

Кишининг кундалик ҳаётининг асосий қисми меҳнат қилиш, таҳсил олиш ва бошқа жамоат ишларини бажариш билан ўтади. Ҳар бир инсон ўзининг ташки кўриниш, маънавий-ахлоқий гўзаллигига эга, шу билан бир қаторда мулокот ва муомала ҳам муҳим таъсир этувчи воситадир.

Мулокот – инсонлар ўртасида биргаликдаги фаолият эҳтиёжларидан юзага келадиган боғланишлар ривожланишининг кўп қиррали жараёнидир. Мулокот жараёнда ахборот алмашиниш яъни коммуникатив томон муҳим ўрин тутади ва у мулокот давомида мулокотга киришувчиларнинг бир-бирларини идрок этишларидаги намоён бўлади. Киши биргаликда фаолият кўрсатаётганда заруратга кўра бошқа одамлар билан бирлашиши, улар билан мулокотга киришиши, яъни алоқа ўрнатиши, ўзаро ҳамжиҳатликка эришиши, керакли ахборот олиши ва жавоб тариқасида ахборот бериши лозим. Мулокот жараёндаги ўзаро биргаликдаги ҳаракат, яъни нутқ жараёнда фақат сўзлар билан эмас, балки ҳаракатлар, имо-ишоралар билан ҳам бир-бирини тушунишдан иборат. Демак, мулокот-шахслар орасидаги нутқли ёки нутқсиз ўзаро алоқа жараёнидир.

Муомала - мулокотнинг таркибий қисми бўлиб, шахсий хулқ-авторлар, мулокотнинг ёқимли ёки ёқимсиз бўлиши одамларнинг ўзаро муомалаларига боғлиқ бўлади. Муомала мулокотнинг сифат даражасини белгилайди ва у хис-туйгулар, кечинмаларнинг ифодаланишидир.

Муносабат – мулокот иштирокчилари ўртасида алмашилган воқеа-ходисаларга ҳар бир кишининг ўзига хос ёндашувидир. Яъни, мулокот ва муомала жараёндан сўнг маълум бир хуласаларга келинади.

Инсоний муносабатлар шундай ўзаро таъсир жараёнларики, унда шахсларо муносабатлар шаклланади ва намоён бўлади. Бундай жараён дастлаб одамлар ўртасида рўй берадиган фикрлар, хис-кечинмалар, ташвиш-у – кувончлар алмашинувини назарда тутади. Одамлар мулокотда бўлишгани сари, улар ўртасидаги муносабатлар тажрибаси ортган сари улар ўртасида умумийлик, ўхшашлик ва уйғунлик каби сифатлар пайдо бўладики, улар бир-бирларини бир қарашда тушунадиган ёки «яримта жумладан» ҳам фикр аён бўладиган бўлиб қолади, айрим ҳолларда эса ана шундай мулокотнинг тифизлиги тескари реакцияларни — бир-биридан чарчашиб, гапирадиган гапнинг колмаслиги каби вазиятни келтириб чиқаради. Масалан, оила муҳити ва ундаги муносабатлар ана шундай тифиз муносабатларга киради. Фақат бундай тифизлик оиланинг барча аъзолари ўртасида эмас, унинг айрим аъзолари ўртасида бўлиши мумкин (она-бола, қайнона-келин ва х.к.).

Мулокот қонуниятларини билиш ҳамда муомала ўрнатиш малакалари ва кўнкималарини ривожланитириш педагог ва тарбиячилар учун, айниқса, муҳим. Характернинг таркиб топишида мулокот жараёни одамлар ўртасидаги ўзаро муносабатнинг энг муҳим шарти хисобланади. Одамнинг ақли, иродаси, тарбияси, назокати ва шу кабиларнинг барчаси мулокот туфайли

шаклланадиган хислатлардир. Шу билан бирга, бош оғриғи, асаббузарликлар, юрак ва бошқа турли касалликлар, шунингдек, ичкиликка, гиёхванд моддаларга ружу қўйиш, ҳатто ўз жонига қасд қилиш кабилар ҳам мулоқотнинг натижасидир. Мулоқот жараённида – унинг маданияти деганда, нима тушунилади? Мулоқот маданиятига биринчидан, ўз-ўзини билиш ва бошқа одамларни тушуна олиш қобилияти, яъни уларнинг психологик хусусиятларини тўғри баҳолай олиш, иккинчидан, уларнинг хулқи ва ҳолатларига нисбатан мос муносабат билдира олиш, учинчидан, ҳар бир одамга нисбатан шахснинг индивидуал хусусиятларига энг маъқул келадиган мулоқот шакли, усуllibарини танлай билишдир. Мулоқот энг аввало, одамни одам томонидан идрок қилишидан бошланади, унда дастлабки ўзаро баҳолаш амалга оширилади. Бу жараёнда одам хақидаги маълумот, идрок этилаётган одамнинг ҳаётий тажрибаси, эмоционал муносабатлар мухим роль ўйнайди. Одамлар ўртасида бир-бирларини тушунишнинг етишмаслиги кўпинча мулоқотдаги тўсиқ – шахслараро муносабатларнинг бузилишига олиб келади. Ҳамма одамлар ҳам ёшлигидан бошқа одамларнинг эмоционал ҳолатларини хис қилиш, улар билан ҳисоблашиш, тушунишга ўргатилавермайди. Шунинг учун ҳам кўпчилик ҳолатларда, ҳатто бир-бирига энг яқин одамлар ҳам бир-бирига нохушликларни келтириб чиқариши мумкин. Албатта, бундай ҳолат бир-бирига ёмонлик ва ёвузлик қилиш ниятида эмас, балки, шунчаки бир-бирини тушунмасликлари учун содир этадилар. Юксак онгли, маданиятли шахсгина бошқаларни тўғри тушуниши ва мулоқот жараёнини тўғри ташкил этиши мумкин. Мулоқот давомида сухбатдошнинг ташқи қиёфаси, кийиниши, ўзини тутиши, ҳиссий ҳолати, овози мулоқот давомида сухбатдошга жуда кўп маълумотни беради. Сухбат давомида яхши тинглашни билиш ҳам, инсоннинг қандай сухбатдош эканлигини белгилайди. Ўзаро муносабатларга киришаётган томонлар муносабатдан кўзлайдиган асосий мақсадлари — ўзаро тил топишиш, бир-бирини тушунишдир. Яъни, мулоқот фаолияти шундай шарт-шароитки, унда ҳар бир шахснинг индивидуаллиги, бетакрорлиги, билимлар ва тасаввурларнинг хилма-хиллиги намоён бўлади ва шуниси билан у инсониятни асрлар давомида ўзига жалб этади. Инсонлар тушлик килиш ва кечки овқатланиш учун факатгина табиий эҳтиёжни қондириш мақсадида эмас, балки яхши сухбатдош билан бўладиган мулоқот жараёни мухимдир. Ҳар қандай фаолиятдан зерикиш, чарчаш мумкин, факат одам мулоқотдан, айниқса, норасмий самимий, бевосита шаклидан чарчамайди, яхши сухбатдошлар доимо маънавий жиҳатдан бир-бирларини сухбат давомида рағбатлантирадилар. Мулоқот факат инсонлар ўртасидагина амалга оширилиши мумкин. Инсон боласи айнан бошқалар билан мулоқотда ва муносабатда бўлиш жараённида шахсга айланиб боради, ижтимоий тажриба ва маданиятни эгаллаб боради. Мулоқот ижтимоий фаолликнинг онтогенезда (индивидуал ривожланиш йўли) пайдо бўладиган биринчи туридир. Фаолият давомида инсонлар ўртасида янги-янги муносабатлар ва алоқалар шаклланади. Демак, фаолият ва мулоқот ўзаро чамбарчас боғлиқдир. Кишилар муносабатга

киришишда awalo тилга мурожаат қиласидар. Мулоқотнинг яна бир жиҳати муносабатга киришувчиларнинг ўзаро биргаликдаги харакати – нутқ жараёнида факат сўзлар билан эмас, балки харакатлар билан ҳам мулоқот юритишдан иборат. Муносабатнинг кейинги жиҳати мулоқотга киришувчиларнинг бир-бирларини идрок эта олишлариdir.

Ҳар бир инсон жамиятда иштирок этар экан, албатта, бошқалар билан ҳамкорлик қилишда муомала маданияти ва санъатига эга бўлиши керак. Бу вазифа одамларни муомала ва мулоқот этикасига ўргатишни ҳар қачонгидан ҳам долзарб қилиб қўйимокда. Мулоқотга киришиш ижтимоийлашув жараёнида барча сифатлардан олдинроқ шаклланадиган қобилияtlардан бири саналади. У табиий ва ҳаётда ҳар дақиқада дуч келинадиган жараёндир. Бола тили жуда яхши чиқиб улгурмай, атрофидагилар билан фаол мулоқотга кириша бошлайди. Бола улғаяр экан, ийллар ўтган сари онгли, аклли, ҳар бир гапини ўйлаб гапирадиган бўла бошлайди. Бу унинг жамиятда шахс сифатидаги мавқенини белгиловчи воситадир. Мулоқотнинг қуидаги асосий тушунчаларини келтириб ўтиш жоиз.

1. **Коммуникатив** - муомала субъектларининг ўзаро бир-бири билан ахборот, ҳиссий кечинмалар ва фикр алмашинувини таъминлайди.

2. **Интерактив** - субъектларнинг ўзаро бир-бирларининг хулқ-авторига таъсиrlарини таъминловчи жараёндир.

3. **Перцептив** - субъектларнинг бир-бириларини тўғрироқ, аниқроқ идрок ва баҳолашларини таъминловчи мулоқот томонидир.

4. **Идентификация** - сұхбатларнинг ҳиссий кечинмаларининг идрок қилган ҳолда фикран унинг мавқеида тура билиши, унинг холатига киришишга интилишидир.

5. **Стереотипизация** - онгда ўрнашиб қолган тасаввурлардан фойдаланиш.

6. **Каузул атрибуция** - шахснинг ҳиссий кечинмалари ва тасаввурларида ўрнашиб қолган колиплардан нотўғри фойдаланиш натижасида мулоқотнинг самарасиз ёки хато кечиши.

7. **Пластик ва адекватлик сифатлари** - мулоқотда эгилувчанлик.

8. **Мулоқот стратегияси** - мулоқотнинг қандай шаклда ўтиши тушунилади.

9. **Мулоқот шакллари** - диалогик, монологик, очик, яширин расмий ёки шахсий норасмий.

10. **Муомала техникаси** - унинг самарасини таъминловчи психологик омиллар, (коммуникативлик малакалари ва кўнималар) воситалар, (нутқ, нутқий-вербал, нутқсиз-новербал) усуллар (ҳиссий-эмоционал, психологик-характерологик) тушунилади.

11. **Новербал воситалар** - фазовий жойлашиш, оҳанглар ва эмоционал қўллаб-куватлаш механизmlари киради.

12. Мулоқот - биргаликдаги эҳтиёжлардан келиб чиқадиган турли фаолликлари мобайнида бир-бирлари билан ўзаро муносабатларга киришиши жараёнларидир.

Ҳар қандай фаолият одамларнинг бир-бирлари билан тил топишишни, бир-бирларига турли хил маълумотлар узатишни, фикрлар алмашинуви каби мураккаб ҳамкорликни талаб килади. Шунинг учун ҳам ҳар бир шахснинг жамиятда тутган ўрни, ишларининг муваффакияти, обрўси унинг мулоқотга кириш қобилияти билан бевосита боғлиқ. Шахслараро мулоқот жараёни жуда мураккабдир. Б.Ф.Паригиннинг ёзишича, мулоқот шунчалик кўп қиррали жараёнки, унга бир вактнинг ўзида қуидагилар киради:


- Индивидларнинг ўзаро таъсир жараёни.
- Индивидлар ўртасидаги ахборот алмашинуви жараёни.
- Бир шахснинг бошқа бир шахсга муносабати жараёни.
- Бир кишининг бошқаларга таъсир кўрсатиш жараёни.
- Бир-бирларига ҳамдардлик билдириш имконияти.
- Шахсларнинг бир-бирларини тушуниш жараёни.

Мулоқотнинг турли шакллари ва босқичлари мавжуд:



Дастлабки босқич – одамнинг ўз-ўзи билан мулоқотидир. Т.Шибутани «Ижтимоий психология» китобида: «Агар одам озгина бўлса ҳам ўзини англаса, демак, ўз-ўзига кўрсатмалар бера олади», –деб ёзган эди.

Иккинчи босқич эса бошқалар билан мулоқотга киришишdir. Одамнинг ўз-ўзи билан мулоқоти аслида унинг бошқалар билан мулоқотининг характерини ва ҳажмини белгилайди. Агар одам ўз-ўзи билан мулоқот қилишни одат қилиб олиб, доимо жамиятдан ўзини четга тортиб юрса, демак, у бошқалар билан сухбатлашишда жиддий қийинчиликни бошидан кечиради, дейиш мумкин.



Учинчи боскич – авлодлар ўртасидаги мулоқот. Бу мулоқот туфайли ҳар бир жамиятнинг ўз маданияти, маданий бойликлари, қадриятлари мавжуд бўладики, бунинг аҳамиятини тушунган инсониятнинг энг илғор вакиллари уни доимо кейинги авлодлар учун сақлаб келадилар ҳамда таълим-тарбия ва қундалик мулоқот жараёнида уни авлоддан-авлодга узатадилар.

Ҳар қандай мулоқот расмий ёки норасмий бўлади.

Расмий мулоқот одамларнинг жамиятда бажарадиган расмий вазифалари ва хулқ-атворидан келиб чиқади. Масалан, раҳбарнинг ўз ходимлари билан, профессорнинг талаба билан мулоқотидир.

Норасмий мулоқот одамнинг шахсий муносабатларига таянади ва унинг мазмуни ўша сұхбатдошларнинг фикр-ўйлари, ният-мақсадлари ва эмоционал муносабатлари билан белгиланади. Масалан: дўстлар сұхбати, поездда узок сафарга чиқкан йўловчилар сұхбати, танаффусда талабаларнинг спорт, мода, шахсий муносабатлар борасидаги сұхбати.


Одамларнинг асл табиатига мос бўлгани учун ҳам норасмий мулоқот доимо одамларнинг ҳаётида кўпроқ вактини олади ва бунда улар чарчамайдилар. Лекин бундай мулоқотга ҳам қобилият керак, яъни унинг қанчалик сергаплиги, очиқ кўнгиллиги, сұхбатлашиш йўлларини билиш, тил топишиш қобилияти, ўзгаларни тушуниш ва бошқа шахсий сифатлари қундалик мулоқотнинг самарасига бевосита таъсир кўрсатади. Шунинг учун ҳамма ҳам раҳбар бўла олмайди, айникса, педагогик ишга ҳамма ҳам қўл уравермайди, чунки бунинг учун ҳам расмий, ҳам норасмий мулоқот техникасидан хабардор бўлиш талаб этилади.

МУЛОҚОТ МАЗМУНИ ВА ЙЎНАЛИШИГА КЎРА:

Ижтимоий йўналтирилган (кенг жамоатчиликка қаратилган ва жамият манфаатларидан келиб чиқадиган).

Гурӯҳдаги предметга йўналтирилган (мехнат, таълим жараёнидаги ёки бирор топширик бажариш жараёнидаги мулоқот).

Шахсий мулоқот (бир шахснинг бошқа шахс билан ўз муаммоларини ечиш мақсадида ўрнатган муносабатлари).



Педагогик мулокот (педагогик жараёнда иштирок этувчилар ўртасида амалга ошириладиган мураккаб ўзаро таъсир жараёни).

Ҳар бир мулокот турининг ўз қонун-коидалари, таъсир усуслари ва йўл-йўриклиари борки, уларни билиш ҳар бир кишининг, айниқса, одамлар билан доимо мулокотда бўладиганларнинг бурчидир. Мулокот яна ўзига хос тузилишга эга. Улар қуидагича:



1. *Мулокотнинг коммуникатив томони* — мулокотларга киришувчилар ўртасидаги маълумот алмашинуви жараёни. Шахслараро ахборотлар, билимлар, гоялар, фикрлар алмашинуви. Бу жараённинг асосий воситаси — бу тил.

2. *Мулокотнинг интерактив томони* — мулокотга киришувчиларнинг хулқ-авторига таъсири. Кишиларнинг биргаликдаги фаолиятида бир-бирларига амалий жиҳатдан таъсир этишларирид. Ҳамкорликда ишлаш, бир-бирларига ёрдам бериш, бир — бирларидан ўрганиш, харакатлар мувофиқлигига эришиш каби қатор қобилияtlарни намоён қилиш мумкин.

3. *Мулокотнинг перцептив томони* — мулокотга киришувчиларнинг бир-бирларини идрок этишлари ва тушунишлари билан боғлик бўлган мураккаб психологик жараён. Кишиларнинг турли шароитларда ўзларини тутишлари, хулқ — авторларининг бошқарилиши маълум психологик қонуниятларга боғлиқлигини кўриш мумкин. Бунга сабаб, жамиятда қабул қилинган турли нормалар, қонун-коидалардир. Чунки ўзаро мулокот ва ўзаро таъсир жараёнларида шундай хатти — харакатлар образлари кишилар онгига сингиб тасавурлар, хислатлар орқали бошқа бирорни тушунишга ҳаракат қилишдир. Айнан мулокот ёрдамида инсонлар табиатини ўзлаштириш ва ўз индивидуал эҳтиёжларини қондириш учун биргаликда ҳаракат қилиш имкониятига эга бўладилар. Мулокот жараённада инсон хулқ-авторининг муайян образ ва моделлари шаклланиб, кейинчалик улар инсоннинг ичига киради. Шахснинг тафаккури, оламни ва ўзининг образини таҳлил қилиш ҳамда баҳолаш қобилияти мулокот жараённада шаклланади. Мазкур муаммога атрофлича баҳо берган полшалик психолог Е.Мелибруда қуидагиларни таъкидлайди: "Мулокот шахслараро муносабатларда биз учун ҳаводек аҳамиятга эгадир". Одамлар бир-бирлари билан муомалага киришар экан, уларнинг асосий кўзлаган мақсадларидан бири — ўзаро бир-бирларига таъсир кўрсатиш, яъни фикр-гояларига кўндириш, ҳаракатга чорлаш, установкаларни ўзгартириш ва яхши таассурот қолдиришdir.

Мулоқот фақат инсонлар ўртасида амалга оширилиши мумкин. Мулоқотнинг инсон ҳаётидаги аҳамияти бекиёсdir. Инсон боласи айнан бошқалар билан мулоқотда, муносабатда бўлиш жараёнида шахсга айланаб боради. Мулоқот орқали инсон ижтимоий тажриба ва маданиятни эгаллаб боради. Янги туғилган инсон бошқалар билан мулоқотда бўлиш имкониятидан маҳрум бўлса, у ҳеч қачон шахсга айлана олмайди, яъни у ўз психик тараққиёти бўйича орқада қолиб кетади. Зеро, инсон психик тараққиёти мулоқотдан бошланади. Мулоқотсиз инсоният жамияти бўлиши мумкин эмас. Айнан мулоқот ҳамкорликда фаолият юритувчи индивидлар жамоасини шакллантиради, ҳамкорликдаги фаолият режасини тузиш ва уни рӯёбга чиқариш учун индивидлар ўртасида мулоқот амалга оширилиши шарт. Мулоқот воситасида ҳамкорликдаги фаолият ташкил этилади ва амалга оширилади, муносабат ўрнатиласи, ривожлантирилади. 1938 йил Ричард Бард ўз хоҳиши билан Антарктида музликларида 6 ой танҳо қолади. Бир томондан у тажриба натижаларига қизиқса, иккинчи томондан кундалик ҳаётнинг ғалавуридан бироз дам олишни истаган эди. Кейинчалик у мазкур даврни қуидаги сўзлар билан эслайди "Бу ердаги ҳаётим давомида бора-бора ҳар бир ҳаракатим, ҳар бир ишим тобора мазмунсиз, мантиксиз, мақсадсиз бўлиб бораётгандай эди. Хавф-хатарлардан қўрқмайдиган одам бўлсан-да, негадир бу ерда томнинг босиб қолишидан хавфсирай бошладим. Овқатланишимда мунтазамлик йўқолди, ювинмай қўйдим". Инсондаги бундай руҳий ҳолатнинг юзага келиши мулоқот эҳтиёжининг қондирилмаганлигидандир.

МУЛОҚОТДА ПСИХОЛОГИК ТАЪСИР ВОСИТАЛАРИ

Ҳар бир кишининг ўз «Мен»и атрофдагилар билан бўладиган мулоқот жараёнида шаклланади. Шахснинг ҳаёт йўллари аввал оилада, боғча, мактаб, институт, ишхона, кексалар орасида, яъни гурӯҳ ва жамоаларда ривожланади. Шу сабабли психологик таъсир кўрсатиш сухбатдошининг ҳиссиятлари, фикрлари ва хатти-ҳаракатларига қандай таъсир этаётгандиги билан муҳимдир. Мулоқот давомида психологик таъсирнинг уч воситасини кузатиш мумкин. Биринчидан, сўз орқали муомала жараёнидир. Монологик нутқ ва диалогик нутқда одам ўзидағи барча сўзлар захирасидан фойдаланиши, энг таъсирчан сўзларни топиб, сухбатдошига таъсир кўрсатиши лозим бўлади. Иккинчидан, нутқни безовчи, уни кучайтирувчи ёки сусайтирувчи овоз оҳангидир. Бунга нутқнинг баланд ёки паст товушда ифодаланаётгандиги, артикуляция, товушлар, тўхташлар орқали сухбатдошнинг кай даражада самимийлигини билиш мумкин. Очиқ юз ва дадил овоз билан «Сизга албатта ёрдам бераман!», деб айтилган фикрга тез ишониш мумкин. Учинчидан, нутқсиз- мимика (имо-ишора), пантомимика, қарашлар, бир-бирини бевосита ҳис қилиш тушунилади. Уларнинг барчаси мулоқот жараёнини янада кучайтириб, сухбатдошларнинг бир-бирларини яхшироқ билиб олишларига ёрдам беради. Масалан, яқин кишингиз сизга

қарамасдан, чехрасини очмасдан атрофга аланглаб, «Кўришганимдан хурсандман», деб айтса ишончли бўлмайди, албатта. Суҳбат давомида инсонлар кўпроқ ташки киёфадаги имо-ишораларни таъсири кучли эканлигини таъкидлаш лозим бўлади. Кейинчалик сухбат охирида сухбатдошига нисбатан муносабатини ўзгартириши мумкин. Албатта, инсоннинг фикр-мулоҳазасига қараб маълум бир муносабат пайдо бўлади. Халқ ичида юрган бир мақолни келтириб ўтиш жоиз бўлади. “Ташки кўринишга қараб кутиб олишади, фикрга қараб кузатишади”. Мулоқотнинг қандай кечиши ва кимнинг кўпроқ таъсирга эга бўлиши шерикларнинг ролларига ҳам боғлиқ. Таъсирнинг ташаббускори — бу шундай шерикки, унда атайлаб таъсири кўрсатиш мақсади бўлади ва у бу мақсадни амалга ошириш учун барча юқорида таъкидланган воситалардан фойдаланади. Мулоқотда таъсирнинг адресати ҳам муҳим ўрин тутади. Таъсирнинг адресати - мулоқотда таъсир йўналтирилган сухбатдошидир. Таъсирнинг ташаббускори сухбатга тайёргарлиги яхши бўлмаса, ёки адресат тажрибалироқ шерик бўлса, у ташаббусни ўз қўлига олади ва таъсир кучини қайта эгасига қайтариши мумкин бўлади.

МУЛОҚОТ ВА УНИ ЎРГАНИШ МУАММОЛАРИ

Ижтимоий психология энг муҳим ривожланган соҳа бўлиб, жамиятда иштирок этаётган барча шахслар томонидан бажарилиши лозим бўлган тармоқ хисобланади. Охирги йилларда «профессионализм» тушунчаси тез-тез ишлатиладиган бўлиб қолди. Чунки жамиятда туб ислоҳотларни амалга ошириш, меҳнат унумдорлигини «инсон омили»ни такомиллаштириш хисобига ошириш давр талаби бўлиб қолди. Айниқса, одамларни бошқариш соҳасидаги профессионализмга катта эътибор қаратилмоқда. Жуда кўпчилик мутахассислар барча бажарадиган функциялари орасида одамлар билан тил топишиш, уларга таъсир кўрсатиш, улар фаолиятини тўғри ташкил қилиш ва бошқариш энг мураккабларидан эканлигини эътироф этмоқдалар. Одамлар билан нормал муносабатларни ўrnата олмаслиқ, айниқса, бизнес соҳасида амалий шерикларнинг холатлари, кутишларини аниклай олмаслиқ, ўз нуктаи-назарига ўзгаларни профессионал тарзда кўндира олмаслиқ, «биров»ни, унинг ички кечинмалари ва ўзига бўлган муносабатини аниқ тасаввур кила олмаслиқ амалий психологияда коммуникатив укувсизлик ёки дискоммуникация холатини келтириб чиқаради. Бунда одамлар оддий тил билан айтганда, бир-бирларини тушунолмай қоладилар, шунинг оқибатида пишиб турган лойиха ёки яхши режа амалга ошмаслиги, бир неча ойларга чўзилиб кетиши мумкин. Шунинг учун ҳам хозирги замон ижтимоий психология йўналиши барча шахсларни коммуникатив билимдонликка ўргатиш, уларда зарур коммуникатив малакаларни ҳосил қилишга катта аҳамият бермоқда.


Ҳар бир корхона, хусусий фирма ёки давлат муассасасини бошқарувчи менежер, раҳбар тайёрлаш муаммоси ана шу раҳбарларни, бошқарувчиларни

психологик жиҳатдан одамлар билан ишлашга ўргатиш муаммосини четлаб ўтломайди. Ҳозирги даврда ҳар қандай мутахассис — врач, муҳандис, ўқитувчи, иқтисодчи, агроном, курувчи, журналист, маданиятшунос ёки бошқалар ҳам коммуникатив малакаларга эга бўлмагунича жамият шароитига тезда мослашолмайди. Жамоага киришимли бўлиш, кўпчиллик билан тил топишиш, ўз профессионал маҳоратини кўрсата олиш каби мулокот жараёнларини тўғри ташкил этиш лозим бўлади.

Психологик таъсир - бу турли воситалар ёрдамида инсонларнинг фикрлари, хиссиётлари ва хатти-харакатларига таъсир кўрсата олишдир.

Вербал таъсир - бу сўз ва нутқимиз орқали кўрсатадиган таъсиризмиздир. Бундаги асосий воситалар сўзлардир. **Паралингвистик таъсир** - бу нуткнинг атрофидаги нутқни безовчи, уни кучайтирувчи ёки сусайтирувчи омиллар: товушлар, тўхташлар, йўтал, тил билан амалга ошириладиган харакатлар, нидолар киради. **Новербал таъсир** - бунга сухбатдошларнинг фазода бир-бирларига нисбатан тутган ўринлари, ҳолатлари (яқин, узок, интим), қиликлари, мимика, пантомимика, қарашлар, бир-бирини бевосита ҳис килишлар, ташки қиёфа ва сигналлар киради.

Буюк рус ёзувчиси Л.Толстой одамларда 97 хил кулги тури, 85 хил кўз қарашлар тури борлигини кузатган. Бу новербал мулокот воситаларининг миллий ва худудий хусусиятлари бор. Масалан, ўзбек халқининг мулокот жараёни бой, ўзаро муносабатларнинг бевосита характеристи унда шундай воситаларнинг кўпроқ ишлатилиши билан боғлиқ. Болгарлар бирор фикрни тасдиқламоқчи бўлишса, бошларини чайқашади, инкор этмоқчи бўлишса, бошларини ён томонга силтаб кўйишади.



Новербал мулокотда сухбатдошларнинг фазовий жойлашувлари ҳам аҳамиятга эга: Масалан, аёллар ҳиссиётга берилганлиги учун бир – бирлари билан яқин туриб гаплашар эканлар, эркаклар ўргасида масофа бўлар экан. Ўқувчиларни партада орқама – кетин ўтқизгандан кўра доира шаклида ўтқизилса, уларда жавобгарлик ҳисси юкорирок бўлар экан, эмоциялар алмашгани учун ҳам гурухдаги психологик вазият ижобий бўлиб, болаларнинг предметга ва бир – бирларига муносабатлари анча яхши бўлар экан. Мулокотга ўргатиш ҳозирги замон кишисининг турли ишлаб чиқариш ва муомала

шароитларида тўғри мослашишга ёрдам беради. Бунинг учун маҳсус тайёргарлик гурухлари ёки тренинг гурухлари ташкил этишни психололгар таклиф этишган. Новербал мулоқотга белгиларнинг оптик-кинетик тизими кириб, уларга жестлар (кўл ҳаракатлари), мимика (юз ҳаракатлари) ва пантомимика (кўл, оёқ, тана ҳаракатлари) киради.

Жестлар - инсоннинг кўл ҳаракатлари бўлиб, у орқали инсоннинг ички холати, бирор-бир обьектга муносабати ва ташки оламга йўналганлиги ифодаланади. У ёки бу халқларда жестлар турлича қабул қилинади.

Итальян ва француздар ўз мулоқотларини жестлариз тасаввур эта олмайдилар. Ўзбек халқида нутқда жестлардан фойдаланиш яхши одат сифатида қабул қилинмайди. Лекин шуни ҳам таъкидлаш лозимки, новербал коммуникация оғзаки нутқда айтилмай қолган фикрларни ифода этиш имконини беради.

Мимика - инсон юз ҳаракатларининг бир қисми бўлиб, у орқали инсоннинг ўйлари, хатти-ҳаракатлари, тасаввурлари, хотирлаши, таажжуви ва ҳоказоларда намоён бўлади.

Пантомимика - инсон танаси ёки унинг қисмлари ёрдамида ифодаланадиган ҳаракатлар тизимиdir.

Мулоқотдаги таъсиirlар ўзаро савол бериш, буйрук, илтимос қилиш, бирор нарсани тушунтириш билан бирга ўз олдига бошқаларга таъсиirlа таъсиirlа таъсиirlar. Мулоқотнинг максади кишиларнинг биргалиқдаги фаолиятига эҳтиёжини акс эттиради. Бунда мулоқот шахслараро ўзаро таъсиirla сифатида намоён бўлади, яъни кишиларнинг биргалиқдаги фаолияти жараёнида пайдо бўлувчи алоқа ва ўзаро таъсиirlar йиғиндицидир. Биргалиқдаги фаолият ва мулоқот ижтимоий назорат шароитида рўй беради. Жамият ижтимоий нормалар сифатида маҳсус хулқ-атвор намуналари тузилишини ишлаб чиқкан. Ижтимоий нормалар кўлами ниҳоят кенг - меҳнат интизоми ҳарбий бурч ва ватанпарварлик, хушмуомалалик қоидалари ана шулар жумласидандир. Ижтимоий психология нуқтаи назаридан мулоқотга киришувчилар бажарадиган ролнинг "репертуар"ига мос ҳолда намоён бўлади. (Ёш, мансаб, жинс ва оиласдаги, ўқитувчи ва ўқувчи, шифокор ва бемор, катта киши ёки бола, бошлиқ ёки ходим, она ёки буви, эркак ёки аёл, меҳмон ёки мезбон ролида намоён бўлиши мумкин). Ўз навбатида ҳар бир роль ўзига мос талабларга жавоб бериши керак. Бир киши турли мулоқот вазифаларида турли ролларни бажариши мумкин. Турли ролларни бажарувчи кишиларнинг ўзаро муносабати роль кутишлари билан бошқарилади. Хоҳлайдими ёки йўқми атрофдагилар ундан маълум намунага мос келувчи хулқ-атворни кутадилар. Агар роль яхши бажарилмаса, ижтимоий назорат томонидан баҳоланади, озми-кўпми чекланишлар қилинади. Мулоқотнинг бевосита муваффақиятининг шарти ўзаро таъсиirla этувчи кишиларнинг ҳар биридан кутилаётган ҳаракатларга мос келувчи хулқ-атвор намунасининг кўлланишидадир.

МУЛОҚОТДА ТИНГЛАШ МАХОРАТИ

Мулоқотга киришишга рұхан тайёрланишнинг аҳамиятини ҳам одам аングлашини тақозо этади. Шундай қилиб, ана шу энг табиий ва бир қарашда оддий инсон фаолияти шу қадар мураккаб ва серқирреки, унинг механизмларини ўрганиш, гурухларда түғри муносабатларни ташкил этиш ва одамларни самарали мулоқотга ўргатиш муаммоси бугунги ижтимоий психологиянинг энг мухим масалалариңдир. Яхши сұхбатдошлар доимо маънавий жиҳатдан рағбатлантириладилар. Турли қасб фаолият соҳасида ишлаётган кишилар гурухининг күпайиши, улар ўртасида муносабатлар ва алоқанинг долзарбилиги ахборотлар тифиз шароитда оддийгина мулоқотни эмас, балки профессионал, билимдонлик асосидаги мулоқотни талаб қиласы. Охирги пайтларда шундай қасб-хунарлар сони ортдики, улар социономик гурух қасблар деб аталиб, уларда “одам – одам” диалоги фаолиятнинг самарасини белгилайди. Мулоқот давомида сұхбатлашаётган одамлар бири гапиради, иккинчиси тинглайди ва ўша ҳолат кетма-кет алмашиниши мумкин. Мулоқотнинг самарадорлиги ана шу икки қирранинг қанчалик ўзаро мослиги, бир-бирини тұлдыришига боғлиқ бўлади. Кўпчилик инсонларда нотўғри тасаввур мавжуд бўлиб, муомала ёки мулоқот жараёнига киришганда факат гапиришга, мантиқан асосланган сўзлардан фойдаланиб, таъсирчан гапиришни мухим деб ҳисоблашади. Холбуки, сұхбат давомида сұхбатдошни яхши тинглаш, ҳар бир кишидан ўзи ҳақида чукур таассурот қолдиришга ундейди. Машхур америкалик нотиқ, психолог Дейл Карнеги «Яхши сұхбатдош — яхши гапиришни биладиган эмас, балки яхши тинглашни биладиган сұхбатдошdir» деганда, айнан тинглаш қобилиятыни нсонларда яхши ривожланғанлигини назарда тутган эди.

Жамиятда меҳнат фаолиятини юритаётган кишиларнинг аксарияти вақтими тинглаш билан ўтказадилар. Тадқиқотлар олиб борилғанда, одамлар вақтининг 45% ини тинглаш жараёнига сарфлар экан, баъзи бир соҳа вакиллари доимий мулоқотда бўладиганлар 35-40% ойлик маошларини одамларни тинглаганликлари учун олишади. Бундан шундай хулоса келиб чиқадики, коммуникациянинг энг қийин соҳаларидан ҳисобланган тинглаш қобилияти одамга кўпроқ фойда келтиради. Шунинг учун бўлса керак, немис файласуфи А. Шопенгауэр “Одамларни ўзингиз тўғрингизда яхши фикрга эга бўлишларини хоҳласангиз, уларни тингланг” деган фикрни айтиб ўтган. Дарҳакиқат, кишининг ҳаётида баъзида яхши сұхбатдошни топиш бироз қийин кечади. Негаки, агар сұхбатдош сизни тингламаса, бошқа нарса билан овора бўлаверса, ундан ранжийсиз, нафакат ранжийсиз, балки у билан алоқани ҳам узасиз. Ўқитувчи гапираётган пайтда ёки ўқувчи мавзуга жавоб берәётган пайтда тингламаслик ўзаро педагогик мулоқотнинг бузилишидан далолатдир.

Кўпгина ҳолатларда кишилар яхши гапиравчы бўла оладилар бироқ, яхши тингловчы бўла олмайдилар. Психологик кузатув натижаларига эътибор қаратилса, яхши тингловчы бўла олмасликка асосий ҳалақит берувчи нарса бу

хар бир кишининг ўз фикр-ўйлари ва хоҳишларининг қўплиги, уларнинг оғушига берилиб кетишидир. Шунинг учун баъзи ҳолатларда сухбатдошни тинглаётгандек туюлади, лекин аслида ҳаёллар бошқа ўйда бўлиши мумкин. Тинглашнинг ҳам худди гапиришга ўхшаш техникаси, усуллари мавжуд. Психологлар фикрига кўра кундалик ҳаётда тинглашнинг бир неча усулларини қўллаш мумкин. Шундай усуллардан бир нечтаси куйидагича:


1. Сўзма-сўз қайтариш.
2. Бошқача талқин этиш.

1. Сўзма-сўз қайтариш - сухбатдош сўзларининг бир қисмини қайтариш оркали сухбатга диққат-эътиборини тўғри йўналтирилганлигини намоён этади. Ушбу вазиятда сухбатдошни руҳан қўллаб-куватлаётгандигидан далолат беради.

2.Бошқача талқин этиш - сухбатдошнинг сўзларини тинглаб, ундаги асосий ғояни муҳтасар, хар бир киши ўзининг талқини бўйича ифода этишидир.

Ҳар икки усул ҳам сухбат учун муҳим, чунки у сухбатнинг сифатини белгилайди. Сухбат давомида яхши тинглаётгандигини билдиришда, “Йўғ-э?”, “Нажотки?”, “Яша!” сўзлари билан ҳам сухбатдошни гапиришга, янайм ўз фикрларини ойдинлаштиришга чакиради.

Демак, аслида биздаги гапираётган шахс етакчи, у сухбатнинг мутлоқ ҳокими, деган тасавур унчалик тўғри эмас. Яхши тинглашда ҳам шундай куч борки, у сухбатдошни Сизга жуда яқинлаштиради, ишончни туғдиради. Чунки мулоқот жараёнидаги энг қимматли нарса — бу ахборотнинг ўзи. Тинглаётган одам маънили, яхши диалогдан факат яхши, фойдали маълумот олади. Гапирган эса аксинча, ўзидаги борини бериб, гапирмайдиган сухбатдошдан «тескари алоқани» олиб улгурмай, ҳеч нарсасиз колиши ҳам мумкин. Шунинг учун мулоқотга ўргатишнинг муҳим йўналишларидан бири — одамларни фаол тинглашга, бунда барча паралингвистик ва новербал омиллардан ўринли фойдаланишга ўргатишdir.



a) **Фаол ҳолат.** Тинглаш давомида сухбатдошнинг юзидан ташқари жойларига қарамаслик, мимика, бош чайқаш каби ҳаракатлар билан унинг ҳар бир сўзига қизиқаётгандигинизни билдиришни назарда тутади;

б) Сұхбатдошга самимий қизиқиши билдириш. Бу нафақат сұхбатдошни ўзига жалб қылиб, балки кейин навбат келгандың үзининг хар бир сүзига уни ҳам күндиришнинг самарали йўлидир.

в) Ўйчан жимлик. Бу сұхбатдош гапираётган пайтда юзда мастьулият билан тинглаётгандай тасаввур қолдириш орқали ўзингизнинг сұхбатдан манбаатдорлигингизни билдириш йўли. Агар биз сұхбатдошимизни яхши, диккат билан тингласақ, бу билан биз унда ўз-ўзига хурматни ҳам тарбиялаймиз. Демак, тинглаш жараёни кўпчилик тасаввур қилгани каби унчалик пассив жараён эмас экан. Унинг мулоқотнинг самарали бўлишидаги аҳамияти ниҳоятда катта. Чунки тинглаш қобилияти гапиравчини илҳомлантиради, уни руҳлантиради, янги фикрлар, ғояларнинг шаклланишига шароит яратади. Агар инсонлар бир-бирини тингламасалар ўзларини беихтиёр ёмон ҳис эта бошлайдилар. Сұхбатдошни тинглаш бу суст жараён эмас, балки фаол фаолиятдир. Сұхбатлашаётганды гарчи нотаниш бўлган мавзуда гапираётган бўлса ҳам, то у бир нуқтага-да тўхтамагунча сўзини бўлмасликка уриниш лозим. Модомики, мавзу мутлақо қизиқтиргмаган тақдирда ҳам, ҳамсұхбатга нисбатан кескин инкор маъносида гапирмаслик лозим бўлади. Ҳар бир киши ўзига нисбатан хурмат билдирилишини хоҳлайди, айнан ўша хурмат сұхбатдошни юқори даражада тинглаганлиқдан сўнг пайдо бўлади.

Агар мулоқот жараёнида иштирок этувчи икки жараён — гапириши ва тинглашнинг фаол ўзаро таъсир учун тенг аҳамиятини назарда тутсак, бу жараён қатнашчиларининг психологик саводхонлиги ва мулоқот техникасини эгаллашининг аҳамиятини англаш қийин бўлмайди. Шунинг учун ҳам ижтимоий психологияда одамларни самарали мулоқотга атайлаб ўргатишига жуда катта эътибор берилади. Бу бораидаги фаннинг ўз услуги бўлиб, унинг номи ижтимоий психологик тренинг (ИПТ) деб аталади. ИПТ — мулоқот жараёнига одамларни психологик жиҳатдан ҳозирлаш, уларда зарур коммуникатив малакаларни маҳсус дастурлар доирасида қиска фурсатда шакллантиришдир. Энг мухими, ИПТ мобайнида одамларнинг мулоқот борасидаги билимдонлиги ортади.

Амалий мулоқот тренинги — ИПТнинг бир қўриниши бўлиб, у ёки бу профессионал фаолиятни амалга ошириш жараёнида зарур бўладиган коммуникатив малака, қўнинма ва билимларни ҳосил қилишга қаратилган тадбирдир. Гурух ва жамоаларда мулоқот тренинги воситасида музокаралар олиб бориш, иш юзасидан ҳамкорлик қилиш йўл-йўрикларини биргаликда топиш, катта аудитория олдида сўзлашга ўргатиш, мажлислар ўтказиш, жанжалли, конфликтли ҳолатларда ўзини тўғри тутиш малакалари ҳосил қилинади. Бундаги асосий нарса — тренинг қатнашчилари онгига бирорларни тушуниш, ўзини ўзга ўрнига кўя олиш, бошқалар манбаатлари билан ўзиникини уйғунлаштира олиш ғоясини сингдиришдир. Тренинглар мобайнида гурухий мунозаралар, ролли ўйинларнинг энг оптималь варианtlари синаб, машқ қилинади.

ПЕДАГОГИК МУЛОҚОТНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

Педагог ўқув-тарбия иши жараёнида ўқувчилар билан алоқа боғларкан, улардан ўқитувчи ролининг ўзи тақозо этадиган даражада иззат-икром кутади. Агар педагог ўз тарбияланувчиларига нисбатан ишонч ва хурмат билан муносабатда бўлса, у ҳар қанча қаттиққўл ва талабчан бўлган тақдирда ҳам, унинг энг арзимас танбеҳлари таъсири бўлади. Ўқувчи ўқитувчининг сўзларида ўзига нисбатан хурмат-еътиборни сезмаса, асосли ва мантиқан тўғри панд-насиҳатларни кўпинча лоқайд қолдириши мумкин.

Ўзини ўзи хурмат қилиш туйғуси — аниқ, лекин мўрт қуролдир. Психологик боғланишнинг бузилиши шахслараро можарога сабаб бўлиши мумкин. Айрим вазиятларда бир-бирини инкор этувчи қадриятлар, вазифалар ва максадларнинг мавжудлигини акс этирувчи позитциялар антагонизми юзага чиқади. Баъзан бу ўзаро адоватни келтириб чиқаради ва шахслараро можаро содир бўлади. Можаронинг ижтимоий моҳияти турлича ва шахслараро муносабатлар негизини ташкил этадиган қадриятларга боғлик бўлади. Масалан, можаро биттаси ноинсофлик қилган иккита ўртоқнинг тўқнашуви тусини олиши мумкин.

Биргалиқдаги фаолият жараёнида можароларнинг сабаблари ўрнида икки хил тоифадаги детерминант, яъни ашёвий-амалий келишмовчиликлар ва шахсий-прагматик манфаатлар ўртасидаги тафовут майдонга чиқади. Можароларнинг келиб чиқишига мулоқотга киришувчиларнинг ўзаро биргаликда харакат қилишларига ғов бўлган ва бартараф этилмаган маънавий англашилмовчиликлар сабаб бўлади. Муносабатдаги маънавий англашилмовчилик — айтилган талабнинг, илтимоснинг, байруқнинг маъноси мулоқот учун мувофиқ эмаслигидир. Бу ҳол уларнинг ўзаро ҳамжиҳатлиги ва биргаликда харакат қилиши учун тўскенилик қиласди. Ўқувчи ички дунёсини аниқ кўролмаслиқ, уни бехуда жазолаш, унларга нисбатан кўпол муомалада бўлиш мулоқотдаги энг нохуш холлар хисобланади. Айрим ўқитувчилар ўқувчилар билан ишлашдаги қийнчиликларга асосий сабабчи ўқувчилар деб биладилар. (Бироқ, олимларнинг тадқиқотларига кўра улар 25% фоизни ташкил этади). Ўқитувчининг ўқувчилар билан мулоқотида қуидаги дидактик талаблар, қоида ва қонунларга амал қилиниши лозим:

1. Баён қилинаётган маълумотларнинг ғоявий жиҳатдан мазмунли, илмий ҳамда назарияни хаёт билан боғланганлигига қаратилиши;
 2. Баён қилинаётган маълумотларнинг тарбиявий аҳамиятини тўғри белгилаш оркали ўқувчиларга тарбиявий таъсири кўрсатиш;
 3. Ўқитувчи нутқи равон ва тушунарли бўлиши ҳал қилувчи омил сифатида фойдаланиш;
 4. Ўқувчилар билан мулоқотида ўтилаётган мавзу бўйича ўқувчиларнинг ҳаётий тушунчаларини билиш;
- Ўқитувчининг асосий қуороли унинг нотиқлигидир. Агар ўқитувчидаги нотиқлик қобилияти суст бўлса, у ўз фани соҳасидаги билимини ўқувчилар

онгига сингдиролмайди. Нотиқликнинг асосий куроли ёзма нутқда ифодаланадиган сўз санъати бадиий адабиёт бўлиб, у ҳозирги ўзбек адабий тили ва ўзбек шеваларига асосланиб иш кўради. Чунки, нутқнинг талаффуз ва оҳангнинг тўғрилиги унинг асосий фазилатидир. Грамматик қонуниятларга асосланиши ва нотиқлик санъати асосан мантиқ, психологик билимларга суюнади. Мантиқка мурожаат қилмасдан туриб аниқлик ва мантикийликни таъминлаш ҳам, баҳолаш ҳам мумкин эмас. Овознинг оҳангига ва талаффузига эътиборини қаратиб товуш ёзиш техникасига ёзиб олиб, ўз нутқининг тўғри ва аниқ чиқаётганлигига ишонтириш лозим бўлади. Агар педагог ўқувчилар психологиясини яхши билса, уни эътиборга олса, ўқувчининг қизиқишларини ва эътиқодини, ёшига хос хусусиятларини, илгари эгаллаган тажрибасини инобатга олса, унинг истиқболи ва қийинчиликлари билан ҳисоблашган ҳолда иш тутадиган бўлса, маънавий англашилмовчиликларни бартараф этиш мумкин

Ўқитувчи ўқувчига билимларни маълум қиласди / тегишли ахборот беради / ва ўз навбатида тескари алоқа тарзида ундан баён қилинган билимлар қандай ўзлаштирилганлиги ҳакида тасаввур ҳосил қиладиган ахборот олади. Бу ахборот ўқувчиларнинг диққат билан ўтиришларида, ўқитувчига қараб туришларида, юз ифодаларида ўз аксини топади. Агар тескари алоқа бўлмаганда эди, ўқитувчи берган ахборотининг ўқувчилар томонидан қандай қабул қилинаётганини билмаган бўлур эди. Тескари алоқа ўқитувчига ўз нутқини давом эттириш ёки тўхтатиш, иш турини ўзгартириш, умуман фаолиятини корректура қилиш имконини беради.

Педагог болаларга ахборот тузатиш жараёнида уларга тарбиявий таъсир этиб ҳам боради, яъни ўзининг идеаллари, қарашлари, одоби, ҳаракат усууларини уларга ўтказиб ҳам боради. Мулоқотнинг учинчи вазифаси – бу кишининг киши томонидан идрок этилиши, тушунилиши ва бажарилиши демакдир. Киши бошқа одамларни ўрганар экан, улар билан биргаликда фаолият кўрсатади, истиқболларини яхшироқ ва янада ишончлироқ аниқ баҳолаш имкониятига эга бўлади. Келишиб олинган ҳаракатларнинг муваффакияти улар ички дунёсининг аниқ ўқиб чиқилганлигидир. Кишиларда мулоқот маданиятини таркиб топтириш ҳам муҳим аҳамиятга эгадир.

Мулоқот маданияти кишиларда тасодифан ёки мактаб таълими таъсирида шаклланади. Масалан, ўқитувчи биринчи синфданоқ ўқувчиларга тўғри гапиришни, саволларга кенг ва батафсил жавоб беришлини, сўраганда ўрнидан туриб гапириш лозимлигини ўргатиб боради. Болалар ёши улгайгач, масалан, катта мактаб ёшида ўқувчилар бадиий адабиёт ёки маҳсус педагогика адабиётларни ўқиши орқали муомала маданияти ҳакида яна ҳам кенгроқ тушунчагча эга бўладилар.

Лекин муомала маданиятини маҳсус машқ қилиш орқали ўрганишнинг зарурлиги хеч кимга сир эмас. Психологик тренинг, яъни муомалани машқ қилиш икки хил вазифани бажаришни назарда тутади, биринчидан муомаланинг, айниқса, педагогик муомаланинг умуумий қонуниятларини

ўрганишни, иккинчидан, педагогик коммуникациянинг «технологиясини» эгаллаш, яъни профессионал педагогик муомала кўникма ва малакаларини шакллантириши назарда тутади. Психологик тренинг назарий ва амалий томонларга эга. Амалий томони ўқувчилар билан бўладиган муомала кўникмалари ва малакаларини эгаллашга ҳамда уларни чиниктиришга қаратилган машқлар: дарснинг барча босқичларида изчиллик билан ҳаракат қилиш кўникмаларини, педагогик иш давомида мушакларнинг зўрикишини сундириш малакаларини, ихтиёрий дикқатни тақсимлаш малакасини шакллантиришга, кузатувчанликни ўстиришга қаратилган машқларни тақозо қиласи. Шунинг учун маърузачи профессорнинг ҳар бир чиқиши ва маърузаси агар талабалар томонидан дикқат билан тингланса, бу педагогик мулокотдан иккала томон ҳам teng ютади. Ўқитувчи тинглаш қобилиятига асосланиши таълим жараённида билимларни баҳолашда кўл келади. Айниқса, дарс давомида тинглашни қуидаги тарзда кўрсатиши лозим бўлади:

- Мавзуни гапираётган ўқувчига караб, унинг кўзларига қарашга ҳаракат қилиш;
- Баъзида тасдиклаш маъносида бош иргаб қўйиш;
- Ўрни келганда кўллаб-кувватловчи сўзлар айтиш;
- “Тушунарли”, “бу қизиқ” каби сўзларни айтиб, дикқат билан тинглаш;
- Мавзуни жавоб бераётган ўқувчини чалғитмасликка ҳаракат қилиш;

Мулокот маданиятини эгаллашни машқ қилишда магнитафон ёзувлари, видеотасвирлардан фойдаланиш ҳам катта аҳамиятга эга. Чунки бундай ёзувлар бўлажак ўқитувчининг ўз нутқини такомиллаштириш, овозини созлаш, гапираётганда қоматини тўғри, тик тутиш, ортиқча, кераксиз ҳаракатлар, мимикардан ҳоли бўлиш имконини беради.

Ўқувчиларни партада орқами – кетин ўтқизгандан кўра доира шаклида ўтқизилса, уларда жавобгарлик ҳисси юкорироқ бўлар экан, эмоциялар алмашгани учун ҳам гуруҳдаги психологик вазият ижобий бўлиб, болаларнинг предметга ва бир – бирларига муносабатлари анча яхши бўлишини кузатиш мумкин.

Бўлажак педагоглар нутқ маданиятини, муомала маданиятини эгаллашда жуда кўп психологик билимларга таяниши лозим. Демак, таълим – тарбия жараёнини ташкил этишда мулокотнинг барча воситаларига, айниқса, нутққа эътибор бериш керак. Болаларни илк ёшлик чоғлариданоқ нутқ маданиятига ўргатиш, нутқларини ўстириш чораларини кўриш зарур.

МУЛОҚОТДА НУТҚНИНГ ТУРЛАРИ ВА ФУНКЦИЯЛАРИ

Юқорида айтганимиздек, мулокотда биз тилдан фойдаланамиз. Тил мулокотга киришувчилар ўртасида алоқа боғланишини таъминлайди. Негаки, тил шу мақсад учун танланган сўзлар моҳиятига кўра **кодлаштирган** ҳолда ахборотни бераётган киши ҳам, унинг кодини очган, яъни унинг маъносини тушунган ва шу ахборот асосида ўз хулк–авторини ўзгартирган, бу ахборотни

қабул қилаётган киши ҳам тушунади. Агар кодни тушунмаганда эди, томонлар бир-бирини тушунмас ва нотүғри хатти-харакатлар қилган бўлур эди. Масалан, қадимги Вавилондаги минора курилиши.

Нутқ – бу оғзаки коммуникация, яъни тил ёрдамида мулокот ўрнатиш жараёни демакдир. Ижтимоий тажрибада бирон-бир мазмунни англатадиган сўзлар оғзаки коммуникация воситаси ҳисобланади. Сўзлар эшиттирилиб ёки овоз чиқармасдан айтилиши, ёзиб қўйилиши ёки кар-соқов кишиларда маълум бир мазмунга эга бўлган имо-ишоралар воситасида алмаштирилиши мумкин. Куйидаги нутқ турлари фарқ қилинади: ёзма ва оғзаки нутқ. Ўз навбатида оғзаки нутқ диалогик ва монологик нутқларга бўлинади. Оғзаки нутқнинг энг содда тури **диалог**, яъни бирор нарсани муҳокама қилаётган сухбатдошлар нутқидир. Оғзаки нутқнинг иккинчи тури **монолог** нутқ бўлиб, уни бир киши бошқасига ёки уни тинглаётган кўплаб кишиларга қарата гапиради. Бунга ўқитувчининг ҳикояси, ўқувчининг кенгтайтирилган жавоби, маъруза ва шу кабилар киради. Диалогик нутқнинг мазмуни, характери, давомийлиги мулокотга киришган шахсларнинг шахсий қарашларига, қизиқишлиарига, бир-бирларига бўлган муносабатларига, мақсадларига бевосита боғлиқ бўлади. Монологик нутқ бир кишининг бошқа кишига мурожаати— фикрларнинг мантикан тугал бўлиши, грамматик қонун-коидаларга риоя килишдир. Одамлар мулокот жараённада сўзлардан ташқари турли хил ҳаракатлардан, қилиқлардан, ҳолатлардан, кулги, оханглардан ҳам фойдаланадилар.

Диалогик нутқда тил коидаларига унчалик риоя қилинмаса ҳам, сухбатдошлар бир-бирларини тушунаверадилар. Ёзма нутқ инсоният тарихида оғзаки нутқдан анча кейин пайдо бўлган. Ёзув туфайли одамлар тўплаган тажрибаларни авлоддан-авлодга тўласинча етказиш имкони туғилди. Ёзма нутқ ҳам диалог ва монолог шаклларida учрайди. Нутқнинг нерв – физиологик механизмини эшитиш ҳаракат анализаторларини ташкил этади. Чунки ахборотни қабул қилиш ва уни бошқаларга бериш учун, аввало, эшитиш анализаторлари яхши ишлаши керак. Гапираётгандан эса ўпка, оғиз мускуллари фаол ҳаракатга келади. Айниқса, артикуляцион аппарат яхши ишлаши керак. Бунинг фаолиятисиз бирорта ҳарф ёки сўз хосил бўлмайди. Нутқнинг нерв-физиологик механизмларини бош миядаги нутқ марказлари ҳам ташкил этади. Олимларнинг, айниқса, А.Р.Лурияниң тажрибалари шуни кўрсатадики, бош миядаги нутқ марказлари ишдан чиқса, нутқни тушуниш ёки нутқ сўзлаш бирданига издан чиқар экан. Биз ўзаро мулокотда тил, нутқнинг ўзидангина фойдаланиб қолмасдан, балки кўл, бармоқ ва юз ҳаракатлари, имо-ишора, оҳанг, пауза, кулги, кўз ёши қилиш ва шу кабилардан ҳам фойдаланамиз. Булар оғзаки коммуникация воситалари – сўзларни тўлдирувчи ва кучайтирувчи, баъзан эса ўрнини босувчи белгилар тизимини ташкил этади. Энг муҳими, киши нутқни тарбиялаш бўйича олдига аниқ мақсад қўйиши ва ана шу мақсад асосида катъий машқлар олиб бориши лозим. Масалан, киши адабий тилда сўзлашга ўрганишни ўз олдига мақсад

қилиб қўйган бўлса, фақат дарс пайтидаги жавобларидағина эмас, ҳар қандай шароитда, ҳар бир киши билан бўлган мулоқотда ҳам ўзининг гапларини назорат қилиб бориши, шевачиликка йўл қўймаслиги лозим. Ўз–ўзини назорат қилиш бўлмаса, киши ҳеч қачон нутқ маданиятини, муомала маданиятини эгаллай олмайди, у нотик бўла олмайди. Нутқнинг тўғрилиги унинг адабий тил меъёrlарига мослигидир. Адабий тил меъёри кўп тармоқли бўлгани учун, нутқнинг тўғрилиги бир қанча шартларни ўзида қамрайди. Тўғри нутқ ўзида адабий тилнинг фонетик, талаффуз, луғавий сўз яратилиши, грамматик (морфологик, синтактик, услугый) меъёrlарни мужассамлаштирган бўлиши лозим. Буларнинг биронтасидан бироз четлашган нутқ ҳам тўғри нутқ бўла олмайди.

ДИПЛОМАТИК МУЛОҚОТ

Баркамол инсонларнинг муомала мароми, мулоҳаза юритиш услуги, муносабатга киришиш укувчанлиги, вазиятдан чиқиш салоҳиятига бошқа одамлар ҳам тақлид қиласи ва ҳаёт тажрибасида унга риоя этиб яшайди. Одамлар ўртасидаги шахсларро муносабат жараённида ғайритабиий ижтимоий холат ёки ҳодисага онгли таяниш ўзини-ўзи мукаммалаштириш, рўёбга чиқариш, бошқариш, баҳолаш, ўзига-ўзи буйруқ бериш шахснинг руҳий дунёсидаги мухим камолот даражасидаги босқичидир. Ижтимоий мухит - бу инсоннинг аниқ мақсадлар ва режалар асосида фаолият кўрсатадиган дунёсидир. Мазмунан ҳар бир инсоннинг шу ижтимоий олам билан алоқаси унинг инсоният тажрибаси, маданияти ва қабул қилинган, тан олинган ижтимоий хулқ нормалари доирасидаги ҳаракатларида намоён бўлади. Психология илмининг намояндалари бўлмиш олимларнинг бутун бир авлоди ана шу шахс ва жамият алоқалари тизимида инсоннинг туб моҳиятини англаш, унинг ривожланиши ва камол топиши қонуниятларини излаганлар. Одамлар бир-бирлари билан мулоқотга киришар экан, уларнинг асосий кўзлаган мақсадларидан бири — ўзаро бир-бирларига таъсир кўрсатиш, яъни фикр-ғояларига кўндириш, ҳаракатга чорлаш, установкаларни ўзгартириш ва яхши таассурот қолдиришdir. Коммуникатив ва дипломатик қобилиятларни ривожлантиришда шахслардаги индивидуал психологик хусусиятга ҳам алоҳида эътибор бериш лозим бўлади. Бизга маълумки, барча инсонлар қобилиятли бўладилар, бироқ, уларнинг барчаси ҳам ўзларидаги қобилиятларни ривожлантириш билан шуғулланишмайди. Қобилиятли инсон бўлиб шаклланишда одам кўп жабҳаларда иштирок этиши, ўзидаги умумий ва маҳсус қобилиятларни ривожлантириши лозим.

Шунинг учун ички ва ташқи тақлидни тушуниш ҳамда босқичма-босқич эгаллаб боришиш бўлғуси мутахассиснинг касбий тайёргарлиги ҳамда баркамол шахс сифатида шаклланишининг гаровидир. Баъзи шахсларнинг коммуникация жараённида иштирок этолмаслигининг асосий сабаби – ўзини юқори ёки паст баҳолаш туфайли, ўзига ва уни қуршаб турган одамларга

нотүғри муносабатидир. Бунинг олдини олиш имкониятлари мавжуд бўлиб, асосан, куйидагиларга аҳамият бериш ижобий самара беради:

1) Ҳамкорлик фаолиятида, мулокотлар тизими орқали мулокот жараёнининг барча аъзолари ўртасида инсонпарварлик муносабатларини ташкил қилиш, эмоционал мухитни таққослаш имкониятини юзага келтириш;

2) Мулокотда ички муносабатлар тизимида ҳар бир аъзонинг қулад мавқеини таъминлашга каратилган тадбирларни амалга ошириш;

3) Инсоннинг мулокот хусусиятлари, мароми, усуллари, шакллари тўғрисидаги ахборотни эгаллашига оид маҳсус машғулотларни уюштириш;

4) Шахслараро муносабатлар ва мулокот усуулларига мўлжалланган ишбилармонлик ўйинлари, психодрама, тренинг тизимини яратиши. Коммуникатив қобилият тўлиқ кечиши учун: коммуникатор-гапиравчи, хабар берувчи ва реципиент хабарни қабул килувчи бўлиши керак. “К” билан “Р” ўртасида тўлақонли мулокот кечиши учун: нутқ – хабар тушунарли бўлиши керак. Мулокотга киришувчилар орасидаги нутқ бир-бирини қизиқтирадиган ва нутқларида озми-кўпми ҳиссиётлари намоён бўлиши керак.

Дипломатик мулокотни ташкил этишда куйидаги коммуникатив қобилиятларни турларга ажратиш мумкин.

А) Очиқ коммуникация – ўз фикрини оширмасдан баён этиш.

Б) Бефарқ коммуникация – мулокотда ўзини бефарқдек кўрсатиб, гаплашаётган мавзунинг ўзига алоқаси йўқдек тутиш.

В) Ёпиқ коммуникация – ўзининг нутқида ўз нуқтаи-назарини, асл мақсадини яшириш.

Кўпинча, инсон бошқа киши билан мулокотга киришар экан, асосий мақсади у кишини ўрганиш билан бирга, ўзи ҳақидаги фикрларни билишга интилади. Демак, одам ўзининг аксини кўриши учун ҳам иложи борича кўп одам билан мулокотда бўлиши керак. Демак, инсон ўзидаги баъзи бир сифатларни текшириши учун ва тасдиқлаши учун шу сифатларни бошқа одамларда (чукурроқ муносабатда, кенгроқ муносабатда бўлиши) ҳам излайди. Агар шахс, баъзан ўзидаги сифатларни бошқа кишиларда топмаса ёки уни тушунмаса (тушунмасалар) бу кишида ўзига ишончсизлик, ўзидан коникмаслик ҳисси келиб чиқади, бу эса ўз навбатида кишида ўзидан норозилик, кўркув каби руҳий ҳолатни юзага келтиради.

Дипломатик мулокотни шакллантиришда шахснинг шаклланган сифатлари, шахсий фазилатларининг аҳамияти жуда катта, жумладан, шахсда ижобий шахсий фазилатлар: хушмуомалалик, камтарлик, инсонпарварлик, тўғри сўзлилик, виждонлилик каби шахсий сифатлар билан бирга билимлилик, мuloҳазалилик, нотиклик, интеллектнинг ривожланганлиги ҳам мухим ўрин тутади.

Дипломатик қобилиятларни ривожлантириш, асосан, мулокот орқали ташкил этилади ва куйидаги психологик билимларга таянган ҳолда ташкил этиш мақсадга мувофиқдир:

- Мулокотга киришиш ва саломлашишда табассум қилиш;

- Мулоқот давомида ўзининг самимийлигини билдириш;
- Мулоқот давомида – сұхбатдошнинг исмини айтиб мурожаат қилиш (ёки отасининг исми билан бирга);
- Мулоқот давомида “ташвишга қўйганим учун узр”, “марҳамат”, “агар қарши бўлмассангиз”, “ташаккур” каби илтифотли сўзларни ишлатиш ҳам тарбияланганлик белгисидир.

- Мулоқот давомида сабр билан тинглаш;

Дипломатик мулоқотда қобилиятлар ижобий шакллантирилса, муносабатларда хафагарчилик хиссини уйғотмасдан туриб бошқа одамга нисбатан ўзининг таъсирини ўтказиш амалга оширилади. Масалан, шахслараро муносабатларда бирон муаммо юзасидан норозиликни билдиришдан олдин аввал уни мақтаб қўйиш, сұхбатдошга буйруқ беришнинг ўрнига савол билан мурожаат қилиш; кичик ютуклар бўлса ҳам уни сўз билан мақтаб қўйиш инсондаги ижобий эмоцияларни уйғотади. Шу сабабли инсон учун энг муҳим нарса мулоқотдаги шеригининг (партнерининг) ўзи билан ҳамфирклиги ҳам инобатга олинади. Дипломатик қобилиятли киши мулоқотга киришиш давомида нафақат мулоқот жараённига балки, ўзининг ташқи кўринишига катта аҳамият бериши лозим. Мулоқот давомида табассум қилиш, тинглаш маҳорати, сұхбатдошнинг қизиқишлигини инобатга олиш, самимий муносабат билдириш шакллантирилган бўлиши лозим.

МУОМАЛА МАДАНИЯТИ ВА УНИНГ АСОСИЙ ШАКЛЛАРИ

Муомала жамият фаолиятининг зарурий ва умумий шарти, ҳар томонлама ривожланишининг муҳим омили, онгли одамни бошқа жонзотлардан ажратиб турувчи мезонлардан биридир. Муомала жуда мураккаб жараён бўлиб, у одамларнинг ўзаро иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий, ижтимоий-маънавий муносабатларини, алоқаларининг йигиндисидан ташкил топади. Инсоний муносабатлар ўзаро шундай таъсир жараёнларики, унда шахслараро муносабатлар шаклланади ва намоён бўлади. Бундай жараён дастлаб кишилар ўртасида рўй берадиган фикрлар, ҳис-кечинмалар, ташвиш-куончлар алмашинувини назарда тутади. Кишилар мулоқотда бўлгани сари улар ўртасида умумийлик, ўхшашлиқ ва уйғунлик каби сифатлар пайдо бўлади, улар бир-бирларини бир қарашда тушунади ёки “яримта жумладан” ҳам фикр аён бўлади, айрим ҳолларда эса ана шундай мулоқотнинг тифизлиги ва тескари реакцияларни- бир-биридан чарчашиб, гапирадиган гапнинг қолмаслиги каби вазиятни келтириб чиқаради. Ўзаро муносабатларга киришаётган томонлар муносабатдан кўзлайдиган асосий мақсадлари – ўзаро тил топишиш, бир-бирини тушунишdir. Ҳар қандай фаолиятдан зерикиш, чарчашиб мумкин. Факат киши мулоқотдан, айниқса, унинг норасмий, самимий, бевосита шаклидан чарчамайди. Норасмий мулоқотда эса муомаланинг ўрни муҳим ҳисобланади ва сұхбатнинг сифатини белгилайди.

Муомала маданиятининг шакллари жуда кўп, уларнинг ичида учтаси алоҳида кўзга ташланиб туради:

- хулқ-автор маданияти;
- ташқи кўриниш маданияти;
- нутқ маданияти.

Муомала маданияти ушбу шаклларининг барчаси бир вақтнинг ўзида ҳар бир одамда ички мазмун ва моҳият, ташқи ифода ҳамда уларнинг муштараклиги ёки муштарак эмаслиги тарзида сезилиб туради.

Муомала маданиятининг умумий қоидалари қуидагилардан иборат:

- Одоб ва эҳтиёт билан муомала қилишдан ҳамма мақсадлар рўёбга чиқади. Мулойимлик билан айтилган сўзлар кўнгилга роҳат баҳш этади. Шунинг учун ҳамма билан одобга риоя этиб муомала қилиш, очиқ юзли, ширин сўзли бўлиш;

- Бирон воқеа ёки вазиятдан хафа бўлиб, кайфиятнинг бузилган вақтида иложи борича ҳеч ким билан сўзлашмаслиқ,ғазаб босилгунча сабр қилиш;

- Кўпол муомалали кишиларнинг муомалаларига яхши муомала билан жавоб қайтариш;

- Ақл ва мартаба билан мақтансаслиқ, ҳар кимнинг ўзига муносиб муомала қилиш;

- Жамият манфаати учун хизмат қилаётган вақтда сарфланаётган вақтга ачинмаслиқ,жамиятдаги шахсларга ёрдам бериш, камчиликларини тугатиша ёрдам бериш улуғлик ва одамгарчилик белгисидир.

Муомала жараёнида инсоннинг нақадар билимли эканлиги муҳим эмас,балки инсонларнинг нуқтаи-назарларидан келиб чиқиб, унинг айни пайтдаги мақсадини инобатга олиш лозим бўлади. Муомала жараёнининг айни қизиқарли вақтида савол бера олиш маҳорати ҳам муҳим жиҳатлардан биридир. Масалан, қуидаги фарқларга аҳамият бериш лозим:

- Касбингиз ўзингизга ёқадими?

Юқоридаги савол ўрнига қуидаги вазиятда сўраган маъқул:

-Касбингизда кўпроқ ёқадиган жиҳатлар борми?

- Жамоадаги муносабатлар яхшими?

Юқоридаги савол ўрнига қуидаги вазиятда сўраган маъқул:

- Жамоада инсонларнинг бир-бирига бўлган муносабати тўғрисида нима дея оласиз?

Баркамол инсонларнинг муомала мароми, мулоҳаза юритиш услуби, муносабатга киришиш укувчанлиги, вазиятдан чиқиши салоҳиятига бошқа одамлар ҳам тақлид қиласди ва хаёт тажрибасида унга риоя этиб яшайди. Одамлар ўртасидаги шахслараро муносабат жараёнида ғайритабиий ижтимоий ҳолат ёки ҳодисага онгли таяниш ўзини-ўзи мукаммаллаштириш, рўёбга чиқариш, бошқариш, баҳолаш, ўзига-ўзи буйруқ бериш шахснинг руҳий дунёсидаги муҳим камолот даражасидаги боскичидир.

ИНСОНЛАР ЎРТАСИДАГИ МУОМАЛАДА ЁЛГОННИ АНИҚЛАШ ВА ИШОНЧСИЗЛИК ТАШХИСИ

Муомала жараёнида ишончсизликнинг келиб чиқиши, айни вактдаги ички хислатлари, эътиоди, умумий руҳий ҳолати, режа ва ниятларидан дарак берувчи имо-ишоралар орқали намоён бўлади. Инсоннинг имо-ишоралари орқали яхлит ҳолда англашга интилиш мақсадга мувофиқдир. Муайян текширишлар олиб борилганда бир киши ўз мимикаси ва гавда ҳаракати билан ғам-қайғу, хурсандлик, интиқиш, шошилиш каби жуда кўп руҳий ҳолатларни кўрсатган. Дунёда бир хил табиатли инсон йўқ, улар бир-биридан асаб тизими хусусиятларига кўра фарқланади. Аслида, одамнинг имо-ишораларини, асосан, унинг айни вактдаги хис-кечинмалари, умумий руҳий ҳолати, режа ва ниятларидан дарак берувчи алломатлар сифатида тушуниш тӯғри бўлади. Инсонлар ўртасида ўзаро ахборот алмашинув (коммуникация) жараёнида кўйидаги жараёнларни кузатиш мумкин.

Муомалада ёлғонни аниқлаш ташҳисига кўйидаги мисолларни келтириш мумкин.

1. Гапираётганда гоҳида оғизни беркитиб туриш – гапириш вазиятида айтилаётган гапларга ёлғон, беихтиёр уйдирмалар қўшилаётгани, тинглаш вазиятида сўзловчининг ёлғонини сезаётганлик, умуман, фикр-мулоҳазаларга ёлғон аралаштираётгани ва бунга нисбатан ички қаршиликни сезиб, буни яширишга уриниш белгиси.

2. Гапираётганда гоҳида кўз қовоғини силаш-гапга ёлғон аралаштирилаётгани сабабли бу вақтда сухбатдошнинг кўзига қарашдан қочиш ёки у айтаётган гапларнинг чинлигига ишончсизлик белгиси.

3. Бўйинни қашлаш- шубҳаланиш ва иккиланиш белгиси.

4. Кийим ёқасини тортиб кўйиш- гапда ёлғон ишлатаётганлик ёки сухбатдош ёлғонини сезаётганлик белгиси.

5.Муомалада ютиниш ҳолатида бирон-бир баҳона қидириш, ёлғонни излаш.

6.Гаплашаётганда кўзни олиб қочиш ёки акси узок тикилиб туриш (бу ёлғонни меъеридан ортиқ ишлатган одамларда учрайди).

7.Пешонага кафт билан уриб кўйиш – бирор нарсадан афсусда эканликни очиқ тан олиш белгиси.

8.Мулоқотда ҳам оёқларни, ҳам кўлларни чалиштириб ўтириш – сухбатдан ўзини олиб қочишга уриниш, мулоқот учун ёпиқлик белгиси.

РАҲБАРЛИК ФАОЛИЯТИДА МУОМАЛА МАДАНИЯТИ

Бошқариш санъати раҳбарлардан талаб қилинадиган энг асосий хислатлардан бўлиб, унинг кўл остидаги ходимлар билан яхши муносабат ўрнатиши, корхонада иш самарадорлигини ёки ишлаб чиқаришнинг энг самарали натижаларига эришишда қулай руҳий муҳит яратишни тақозо этади.

Рахбар ўзида асосан қуидаги психологияк, физиологияк, ахлоқый, маңнавий сифатларни мужассамлаштирган бўлиши керак.

Рахбарлик фаолиятида қуидаги психологик сифатлар мухим саналади:

1. Нутқ ва тафаккур сифатлари - кучли хотира, соглом ақл, фикрнинг кенглиги, чуқурлиги, тезлиги, муаммо моҳиятини тез англаб олиш, ижодийлик, фикрни тушунарли, аниқ тарзда ифодалашнинг шаклланган бўлиши.

2. Характер сифатлари - мақсадга интилувчанлик, дадиллик, мардлик, ишонч, ўзини тута билиш, ўзи ва бошқаларга нисбатан талабчанлик, қийин вазиятларда ўзини йўқотмаслик.

3. Хис-туйгу сифатлари - кучли ҳаяжонли ҳолатларда тўғри ҳаракатлар қилиш қобилияти, мулокотга киришганда бошқалар кайфиятини ҳисобга олиш, ўз хис-ҳаяжонларини ва кайфиятини бошқара олиш.

4. Хулқ-автор сифатлари - одамлар билан муносабатда самимилик, ҳалолликнинг бўлиши инсон сифатидаги энг олийжаноб хислат эканлигини хис этиши ва ўзида шакллантиришидан иборатdir.

Рахбарлик фаолиятида психологик-физиологик сифатлар қуидагича бўлиши раҳбар сифатида ўзини мукаммал бўлишга ундейди.

Рахбарнинг психологик-физиологик сифатлари:

1. Арзимас нарсалардан жаҳли чиқмаслик, аччиқланмаслик.

2. Рухий жараёнларда босиклик.

3. Рухий, ҳаяжонли хавф-хатар ҳолларида ўзини йўқотиб қўймаслик.

4. Ўзини англашда фаоллик, кайфиятда ўта сезгирилик.

5. Жисмонан соглом ва ҳар томонлама баркамоллик.

Рахбарнинг ахлоқый, маңнавий сифатлари:

1. Мехнатсеварлик, одамларга нисбатан меҳрибонлик, инсонпарварлик, самимилик, ҳалоллик, виждонлилик, сабр-матонат, холислик.

2. Тартиблилик ва интизомлилик, ўзига ва бошқаларга талабчанлик, ўзгалар фикрини тушуниш ва ҳисобга олиш.

Рахбар шахс нафақат юзма-юз мулокотда балки, бевосита мулокотда ҳам маълум қоидаларга амал қилиши лозим бўлади: Масалан, телефон орқали бўладиган мулокот жараёнининг асосий қоидалари қуидагича:

1. Одатда, ишга доир қўнғироқлар ишхонага қилинади. Аммо вазият тақозоси билан қайсиdir ходимнинг хонадонига телефон қилиш зарур бўлса, аввало узр сўраш, шундан сўнг мақсадни қисқа баён қилиш лозим.

2. Эрталаб соат 9 дан олдин ёки кеч соат 10 дан кейин бирорнинг уйига қўнғироқ қилиш энг оддий этикет қоидаларини бузиш саналади.

3. Агар биринчи марта нотаниш кишига қўнғироқ қилинаётган бўлса, албатта, аввал ўзини таништириб, бу рақамни ким берганлигини айтиш лозим.

4. Иш юзасидан бўлаётган сұхбат 3-5 дақиқадан ортиқ давом этмаслиги керак.

5. Коида бўйича, қўнғироқни қабул қилаётган шахс ўзини биринчи бўлиб танитмаслик хукуқига эга.

6. «Ким билан гаплашайпман?» «Бу ким?» «Мен қаерга тушдим?» каби сўроқлар билан гап бошлиш одобсизлик саналади.

7. Агар қўнғироққа чакирилган киши жойида бўлмаса, гўшакни олган одам ким телефон қилганини аниклаштириб ўтирмаслиги керак. «Ким сўрайти?» дегандан кўра «Нима деб қўйай?» деган мулойим оҳангдаги сўроқ яхшироқ.

8. Шундай иборалар борки, ишхона ҳақида ёмон таассурот уйғотмаслик учун уларни умуман кўлламаслик керак.

9. Телефонда сўзлашганда тинглаш қобилияти жуда муҳим.

Рахбарларда куйидаги қобилиятлар шаклланган бўлиши унинг обрўси ошишига ёрдам беради:

- Нутқ, нотиқлик (риторика) қобилияти — овознинг чиройлилиги, сўзларни ўз ўрнида кўллаш, шевага йўл қўймаслик, битта тилда сўзлаш.

- Коммуникатив қобилият — атрофдагилар билан тез тил топиша олиш, аралашиб кета олиш қобилияти.

- Дидактик қобилиятлар — сўзлаётганда диққатни тўплаб, бир нуқтага қарата олиш, гапни чалғитмаслик, узоқдан гап бошламаслик.

- Авторитар қобилиятлар — ходимлар билан мулокотда бўлаётганда ўз обрўсини сақлаб тура олиш, чегарадан чиқиб кетмаслик қобилияти.

- Хаёл қилиш қобилияти (фантастик) — ходимларнинг келажакда қандай қобилиятга, ўкувга, малакага эга бўлишларини мулокот орқали олдиндан сеза олиш қобилияти.

- Перцептив қобилиятлар — сухбатдошини тезда, тўлиқ идрок қила олиш қобилияти, сухбатдошни ким эканлигини ҳис қила олиш кабилар.

Рахбарлар ҳар бир сухбатдошнинг ёшини, тажрибасини, малакасини хисобга олган ҳолда мулокотга киришиши мақсадга мувофиқдир. Раҳбарлар ҳар бир сухбатдош билан унинг индивидуаллигини хисобга олган ҳолда муносабатда бўлиши лозим. Чунки ҳар бир ходимнинг ўзига хос темпераменти (мижози), характеристи (табиати), қобилиятлари бор. Уларни ўзгартириш жуда қийин, шунинг учун раҳбарлар ходимларни доимо кузатишлари, уларнинг руҳий хусусиятларини ўрганишлари лозим. Шунда улар билан тўғри мулокотда бўлишлари осон бўлади. Раҳбар ходимларига доимо жонкуяр, ғамхўр, вакти келганда талабчан, тўғри муносабатда бўлиши керак.

Раҳбар ўз ходимига кўрсатма беришда мулокотнинг қуйидаги шаклларининг биридан фойдаланса, ходимда ижобий эмоциялар уйғотади.

1. “Мумтозбегим Файратовна! Мана буни эртагаёқ бажаришингизни талаб киласман!”

2. “Мумтозбегим Файратовна! Илтимос, эртага мана бу ишни қилиб беринг”

3. “Мумтозбегим Файратовна! Мана шу ишни эртага бажариб бера оласизми?”

Юқоридаги иккала кўрсатма берилса, ходимда қарши фикр туғилиши мумкин. Лекин учинчи кўрсатмада ходимда бундай қарши фикр туғилмайди.

Чунки учинчи кўрсатмада ўзаро хурмат сақланиб қолган. Раҳбар ходимга нисбатан ҳурмат туйғусини йўқотмаса, у раҳбарнинг топширигини тезда бажаришга ҳаракат қиласи. Сухбат чогида овоз пастроқ бўлса, оладиган натижа шунча юкори бўлади. Овозни назорат қилиш лозим, бу мулоқотни осонлаштиради. Нафасни тез оладиган одам гапида кўп адашади: унинг диққати фикрини айтиб олишда бўлади. Хотиржам нафас оладиган киши эса эътиборини гапираётган гапининг мазмунига қаратади ва шу боис, деярли хато қилмайди.

МУЛОҚОТДА НИЗОЛАРНИНГ ЮЗАГА КЕЛИШ ПСИХОЛОГИК САБАЛЛАРИ

Инсонлар ўртасида юзага келадиган низо ўзаро келишмовчилик ёки қарама-каршилик, душманлик, адоват орқасида туғилган ҳолат, муносабат, нифоқдир.

Жамиятнинг ижтимоий-иктисодий, сиёсий-хукукий, маънавий-маданий ҳаётидаги ўзаро номутаносибликлар туфайли кишилар ўртасида келиб чиқадиган келишмовчиликлар, тушунмовчиликлар, кўрслик, тоқатсизлик, маъсулият хиссининг парокандалик сари юз тутиши каби иллатлар юзага келишидир. Низоларнинг келиб-чиқиш сабабларини билиш ва уларни бартараф этиш ҳозирги куннинг энг долзарб масалаларидан биридир. Низоларнинг қуидаги турлари мавжуд:

1. Шахс билан шахс ўртасида;
2. Гурух билан якка шахс ўртасида;
3. Гурух билан гурух ўртасида;

Сухбатдошлар ўзаро мулоқотга киришар экан, улар ўртасида низонинг вужудга келиши эҳтимоли доимо мавжуд бўлади. Бир-биридан фарқланувчи фикрларга, мақсад ва унга эришиш йўллари ҳақидаги тасаввурларга эга бўлган кишилар мавжуд жойда, инсон индивидуаллигининг намоён бўлишига тўқсинглик қилинмайдиган маконда низоли вазиятлар пайдо бўлади. Ишда раҳбар билан ходимлар ўртасида келишмовчиликлар келиб чиқиши туфайли, у шахсий адоватга айлануб кетиши мумкин. Шундай ҳолларда раҳбар ички руҳий томондан кек сақламасдан балки, ходим билан илиқ муносабатини йўлга кўйиб олиши зарур. Акс ҳолда раҳбарнинг обрўси жамоада йўқолиши мумкин. Раҳбар билан ходимлар ўртасидаги адоватлар психологик сабабига кўра 2 хил бўлиши мумкин:

- Шахсий низолар;
- Иш юзасидан вужудга келадиган низолар.

НИЗО — мулоқот иштирокчиларининг ҳар бири учун мухим бўлган муаммони ҳал этиш вақтида улар ўртасида вужудга келган қарама-каршилик ва курашнинг кескин кучайиб кетиши жараёнидир. **Рақобатга асосланган ўзаро таъсир** - коммуникатив жараён иштирокчиларининг шахсий ёки гурухий мақсадларга эришиш учун ўзаро кураш шароитида бир-бирига таъсир

күрсатишдан иборат. *Мулоқот жараёнида низонинг, одатда, икки хил тури фарқланади.*

а) Деструктив низо. Унинг келиб чиқиши сабаблари қўйидагилардан иборат:

Автоматик - таркиб топган ижтимоий меъёрлар билан анъана ва урф-одатлар билан тақозоланган бўлади;

Спонтан - дўстлик, муҳаббат ва шу каби муносабатлар билан тақозоланган бўлади;

Директив - шахсий хусусиятларни бир-бирига мос келмаслиги туфайли вужудга келади; муносабатларнинг бузилишига олиб келади; иштирокчилар сони ортиб боради; қарама-карши томонга нисбатан негатив баҳолар кучайиб боради; низо жараёнидаги обьектнинг шахсга кўчиши осон юз беради.

б) Продуктив низо. Нуктаи - назарларнинг бир-бирига мос келмаслиги сабабли вужудга келади; муаммони кенгроқ қарши олишга олиб келади; оптимал ечимнинг топилишига ёрдам беради; шахсга кўчирилмайди.

Мулоқот иштирокчиларининг ушбу низоли вазиятда вужудга келган тўсиқни бартараф этиш учун амалга оширувчи ҳаракатлари низони, яъни очиқдан-очиқ қарши курашни келтириб чиқаради. Психологлар мулоқотдаги низоларнинг олдини олиш учун кўйидаги қоидаларга амал қилиш лозимлигини уқтириб ўтадилар:

- танқид ва айбловни кўп ишлатмаслик, кўп нолийвермаслик;
- фикрни қисқароқ гапларда ифодалаш;
- эътиборли тингловчи бўлиш — суҳбатдош фикрини бўлмаслик, суҳбатдошга ўз фикрини билдириши учун вақт бериш, унга бўлган қизиқишини кўрсатиш, суҳбатдош нутқининг хусусиятларига камроқ эътибор бериш;
- овознинг имкон қадар самимий жаранглашини таъминлаш;
- суҳбатдошнинг новербал(сўзсиз) таъсирини диққат билан кузатиш;
- қатъий фикр билдиришдан сакланиш;
- фикрни билдиришдан аввал у нима ҳақида эканини маълум қилиш;
- суҳбатдош «тилида» гапириш (профессионализмга йўл қўймаслик);
- бефойда баҳсларга киришишдан сакланиш;
- буйруқ оҳангидан воз кечиши;
- «ҳеч қачон» ва «ҳар доим» сўзларидан эҳтиёткорлик билан фойдаланиш;
- ижобий эмоцияларни саклаб туриш, кўпроқ табассум қилиш.

Низо рўй бергач, уни бартараф этиш учун кўйидагиларга амал қилиш тавсия этилади:

1. Вазминликни саклаб қолиш (эмоционал ҳолатни имкон қадар бошқариш).

2. Низонинг асосий сабабини аниқлашга интилиш (аниқлаштирувчи саволлар бериш).

3. Шахсий соҳадаги тўқнашувга йўл қўймаслик (сухбатдошнинг шахсий хусусиятларидан ранжишни, уларни ёқтирмасликни кўрсатмаслик, шахсий устунликни кўрсатишдан сакланиш).

4. Ҳар бир сўз ва иборадан эҳтиёткорлик билан фойдаланиш (жумладан, «сиз адашдингиз», «сиз хато қиляпсиз», «эс-хушингиз жойидами?» каби негатив ибораларни ишлатишдан сакланиш).

5. Компромисс (келишувчанлик) учун очиқ бўлиш (ўзаро манфаатли келишувга тайёр туриш).

6. Сухбатдошнинг ҳар бир гапини диққат билан тинглаш ва таҳлил қилиш (унинг ҳиссиятларини тушунишга ҳаракат қилиш, шахсий позициянинг сухбатдош позициясидан нимаси билан фарқланишини аниқлаш).

7. Низоли мавзуга берилмаслик.

Инсонлар ўргасидаги ижтимоий муносабатлар Шарқда ўзига хос хусусиятга эга. Ривоятларга кўра, “Энг аввал, дунёдаги энг мазали ва энг ярамас таом”ни келтириш ҳақида фикр кетганда, тилни келтиришган экан. Демак, тил, мулоқот инсон ҳаётида ундан қандай фойдаланиш, уни қандай ишлатиш, қандай ташкил қилишга қараб, инсон учун энг азиз, энг қадрли бўлиши ёки, аксинча, энг фожеали бўлиши ҳам мумкин.

МУЛОҚОТГА ОИД ПСИХОЛОГИК ТРЕНИНГ

Одамларда мулоқот малакалари ҳосил қилиш ҳақида турли ижтимоий шароитларда ўзини тўғри тутишга одатлантирилади. Бошқача айтганда, тренинг мулоқотга ўргатишидир. Мулоқотга ўргатиш ҳозирги замон кишисининг турли ишлаб чиқариш ва мумомала шароитларида тўғри мослашишга кўмак беради. Бунинг учун маҳсус тайёргарлик гурухлари ёки тренинг гурухлари ташкил этишни психологлар таклиф этишган.

Шу мақсадда тренинг - гурухлар ташкил қилинib, мулоқот жараёнида қийинчилик хис этаётган кишилар таклиф этилган. Ижтимоий психологик тренингнинг асосий усуслари - гурухий мунозараалар, ролли ўйинлар, психологик сезгириликни оширувчи тренинглардир. Тренинг гурух аъзолари 7-15 кишигача бўлиб, машғулотлар бир неча кундан бир неча ойларгача давом этади. Уларнинг мулоқот манбаида ўзини «ўзгалар» ўрнига қўйиш, уларнинг ички оламини тўғри тушуниш қобилияти ва истаги тарбияланади.

Ижтимоий психологик тренингларга қуйидаги методик талаблар қўйилади:

1. Мунозара ёки ўйинлар жараёнида ҳар бир иштирокчи вазиятни ёки ролни фаол ўзлаштириб, ҳар бир холатдан ўзи учун тўғри хулоса чиқариши зарур.

2. Тренинг- гурухларда мулоқотнинг нутқ шаклларидан ташқари, нутқсиз-новербал шакллари ҳам кенг қўлланиши, яъни ҳар бир иштирокчи (ўрганувчи) ҳар бир ҳаракат, ритмнинг моҳиятини ҳам тушуниб уни ҳаётда ишлатишга ҳам эришиши зарур.

3. Ҳар бир иштирокчи кундалик юритиб, уни ҳар галги машғулотлардан сўнг, ўзига ҳис-кечинмалари, муаммоларни ечишдаги шахсий иштироки, тасаввурларини одилона ёзиб бориши муҳимdir.

4. Тренинг-гурухга қатнашиш ихтиёрий бўлганлиги учун, ҳар бир аъзо машғулотларни қолдирмасликка ҳаракат қилиши зарур, чунки бу аъзоларнинг ўзаро муносабатларига, гурухнинг муҳитига бевосита таъсир қилади.

5. Машғулотлар махсус хоналарда, шовқин-сурондан холи ерда ташкил етилиши, шинам бўлиши керак. Машғулот ўтказувчи тренер- махсус тайёргарликдан ўтган, хушмуомала, дид билан кийинган, ўз кайфияти ёки ўйинга шахсий муносабат билан машғулотларнинг табиий кечишига халақит бермаслиги, сабр-тоқатли, маданиятли бўлиши зарур.

Машғулотларни «юмалоқ стол» ёки «тўртбурчак» стол атрофида гилам устида, баъзан тик турган ҳолда ҳам ўтказиш мумкин.

Хозирги даврда тренинг гурухлар раҳбарларни мулокотга тайёрлаш, масъуль шахсларни қайта тайёрлаш курсларида, психологлар даврасидагина ўтказилмоқда. Мулокотдаги билимдонлик барча мутахассисларга зарур.

Фан-амалиётга деган тамойил бугунги кунда ҳар қачонгидан ҳам долзарб масалага айланган. Чунки ёшларни мустақил давлатимиз маънавий негизларини теран англашга ўргатиш ва уларни маърифатга чорлаш катор тадбикий вазифаларни амалга оширишни тақозо этади. Баъзан кишининг ташки қиёфасидан ҳам унинг характеристини аниқлашга ҳаракат қилинган. Масалан: шундай тажриба ўтказилган: талабаларга турли қиёфадаги кишиларнинг расми кўрсатилган, улар ияги катта кишилар кучли иродага эга, пешонаси кенг одамлар - ақлли, сочи қаттиқ одам - қайсар, бўйи паст одам - ҳокимиятга интилевчан, чиройли одам - ўзига бино қўйган ёки нодон бўлишини айтганлар. Булар албатта, тўғри эмас. Лекин кишиларнинг онгida авлоддан авлодга ўтиб келаётган тасаввурлар шундай образларни шакллантирган. Натижада одам ҳақида тушунчанинг шаклланишида у ҳақида бўлган маълумот катта роль ўйнайди. Масалан: психолог талабаларнинг 2 гурухига бир одам портретини кўрсатиб, унга 1-гурухга –жиноятчи, 1-гурух талабаларига эса олим деб таништирган.

1- гурухдагилар унинг кўзларини - ёвуз, бешавқат деса;

2- гурухдагилар унинг кўзларини - доно, мулойим дейишган.

Одамларнинг ташки қиёфаси, кийиниши, ўзини тутиши, ҳиссий ҳолати, овози, қиликлари, юриши ва ҳоказолар одамнинг сўз, мулокот манбаи – сухбатдошига энг кўп маълумот беради. Одамнинг бир-бирларини тўғри англашлари идроқ(асосий билиш) соҳасига алоқадор, бир-бирларини тушунишлари эса уларнинг тафаккур соҳасига алоқадор мураккаб жараёндир. Бошқа одамни тўғри тушунган шахс унинг ҳиссий ҳолатига кўра олган ҳисобланади. Яъни, унда бирорларнинг ҳис - кечинмаларини тушуна олиш қобилияти ривожланган бўлади. Юксак онгли, маданиятли, «кўпни кўрган» шахсгина бошқаларни тўғри тушуниши, уларнинг мавқеида тура олиши мумкин.

Психологлар турли мулоқот вазиятларига дуч келадилар ва ҳар бир вазиятда улардан ўткир дидлик, одоб, кишиларнинг психологиясини билган холда уларни тўғри тушуниш малакаси талаб қилинади. Бўлғуси психолог бу борада кўйидаги қонуниятларни билиши керак:

1. Биринчи кўрган одам ҳакида фақат бирламчи тасаввургина бўлиши мумкин.

2. Бирор киши ҳакида берилган маълумотга асосан, муайян фикр ҳосил қилиш осон, лекин уни ўзгартириш қийин.

3. Интеллект жуда юқори бўлса ҳам, жуда паст бўлса ҳам бошқа одамни тушуниш қийин.

4. Махсус тайёргарлик бўлиши керак.

Битта одамнинг баҳолаш топшириғи берилганда оғрикни бошдан кечираётган одамлар унда жохиллик сифати бор, деб баҳолаганлар, яхши ҳолатда билгандарида эса худди ўша одамни яхши сифатларга эга, деб айтганлар - демак, бирор кишига баҳо бериш - одамнинг эмоционал ҳолатига ҳам боғлиқ экан.

Шахснинг самимийлиги - яъни самимий одамнинг бошқаларга берган баҳоси билан тунд, ҳасадгўй одамнинг баҳолари ўртасида сифат жиҳатидан фарқ бўлишлиги аниқланган. Илм-фан тараққиётини узоқ даври шу билан тавсифланадики, олимлар ва тадқиқотчилар кўпроқ назарий масалаларни ҳал қилиш, умумий қонун- қоидаларни шарҳлаш, тушунтириш орқали жамият ва инсоният тараққиётини ёритишга ўрганишлари кўп учрайди. Долзарб муаммолардан бири - ёшларда янгича дунёқарашни шакллантириш, уларни янгича демократик муносабатларга руҳий жиҳатдан тайёрлашдир. Маънавият соҳасидаги ислоҳотлар ёшларда ўз ҳалқининг маданияти, Ватаннинг ўтмиши ва бугуни, миллий қадриятларга тўғри муносабатларнинг шаклланишига сабаб бўлади ва бу- зиёли, билимдон кишилар учун энг зарур фазилатdir.

МУЛОҚОТГА ОИД ФИКРЛАР

Тан гўзаллиги ошикларни шайдо қилиши мумкин, уларни бир умр мафтун этиш учун эса қалб гўзаллиги талаб қилинади.

К. Колтон

Ёмон кўрган кишинг билан яшагандан, яхши кўрган кишингни согиниб яшаш анча енгил.

Жан Лабрювер

Соф ёлғизлик – бу сени тушунмайдиган одам билан яшаш.

Элберт Хаббард

Мұхаббат яширин қийин бўлган оғатдир – биргина сўз, нозик қиё боқиши, ҳатто сукут уни ошкор этиб қўйиши мумкин.

Пьер Абеляр

Кўзлар бир фикрни, тил эса бошқа фикрни айтаётган бўлса, тажрибали одамлар кўпроқ биринчисига ишонадилар.

Ральф Уолдо Эмерсон

Ички гўзаллик билан йўғрилмаган ҳеч қандай ташки хусн мукаммал бўла олмайди.

В.Гюго

Инсонни билиш учун уни севиш керак.

Л.Фейербах

Ресторанда овқатланаётган эркак ва аёл мулоқотидаги тўхталишлар давомийлигига қараб, улар тахминан қанча вақтдан бери бирга таниш эканлигини билиш мумкин.

Андре Моруа

Ўлимга маҳкум қилинган одамларни катл этишда кўзларини боғлашдан мақсад, улар ўқ узишга тайёрланган аскарларни кўрмаслигини таъминлаш эмас, аксинча, аскарлар маҳкумларнинг сўнгги нигоҳини кўришига йўл кўймаслиkdir.

Жильбер Сесброн

Чинакам севиш – ўзи ҳақида ўйлашни унудишидир.

Жан Жак Руссо

МУЛОҚОТГА ОИД ПСИХОЛОГИК ТЕСТЛАР

СИЗ ҚАНДАЙ СУҲБАТДОШСИЗ?

Саволларга “ҳа” ёки “йўқ” деб жавоб беринг.

1. Сиз кўп гапиришни ёқтирасизми?
2. Нотаниш одам билан суҳбатлашишда ҳам суҳбатлашиш учун мавзуу топа оласизми?
3. Суҳбатдошингизни диққат билан эшитасизми?
4. Суҳбатдошингиз сизни эшитмаса аччиғингиз чиқадими?
5. У ёки бу савол бўйича ҳар доим ўз фикрингизга эгамисиз?
6. Умуман нотаниш мавзу юзасидан ҳам суҳбатга қўшила оласизми?
7. Суҳбатлашаётганда ҳамманинг диққат марказида туришини ёқтирасизми?
8. Ҳеч бўлмаса уч фан бўйича мукаммал билимга эгаман, деб айта оласизми?
9. Ўзингизни яхши суҳбатдош деб ҳисоблайсизми?

Агар 1,2,3,6,7,8,9 саволларга “Ҳа” деб жавоб берган бўлсангиз, ҳар бир жавоб учун 1 баллдан кўшинг, “Йўқ” деган жавоб учун 0 балл.

1-3 балл

Сиз оғзингиздан бир сўзни ҳам суғуриб бўлмас даражада камгап ёки тўхтатиб бўлмайдиган даражада сергапсиз. Гап шундаки, қандай бўлишидан

қатыи назар, сиз билан гаплашиш жуда қийин. Бу ҳақда ўйлаб кўриш учун эса сизда ҳали вақт бор.

4-7 балл

Гапга жуда чечан бўлмасангиз ҳам сизни дилкаш сухбатдош деб аташ мумкин. Кайфиятингиз йўқ бўлишига қарамай, сухбатдошингизни эшита оласиз.

8-9 балл

Сиз нотаниш одамларни ҳам тез-тез сухбатга жалб эта оласиз. Дўстларингиз эса сиз билан фикрлашишни ҳам, маслаҳатлашишни ҳам яхши кўришади. Бундан ташқари, сиз турли вазиятларда ўзингизни тута биласиз. Бу эса ҳамманинг ҳам қўлидан келавермайди.

РАҲБАРЛИК ФАОЛИЯТИДА ҲУКМ ЎТКАЗАСИЗМИ?

Ўз фикрингизни ўзгаларга босим билан ўтказа оласизми? Доимо энг аввал конунга ва тартибга бўйсуниш керак деб хисоблайсизми? Тест саволларига қўйидагича жавоб беринг. (Мабодо аниқ фикрингиз бўлмаса, умуман балл ёзманг).

Мутлақо қўшиламан – 6 балл;

Қўшиламан – 5 балл;

Унчалик қўшилмайман – 3 балл;

Қўшилмайман – 2 балл;

Мутлақо қўшилмайман – 1 балл;

1. Кам гапириб, кўпроқ иш қилиш керак.

2. Ҳали ҳеч қачон ҳеч бир муаммо гап – сўзлар ёрдамида ҳал бўлмаган.

3. Сизнинг кўл остингиздагилар билан бир вақтнинг ўзида дўстлашиш, кўнгилчанлик қилиш ва улардан ишни, ҳамда ўзингизга нисбатан хурмат талаб қилишнинг иложи йўқ.

4. Зиёлиларга нисбатан тадбиркорлар жамиятга кўпроқ фойда келтирадилар.

5. Одамлар кучли ва қучсизларга бўлинадилар.

6. Жамият фойдасиз кишилардан қандайдир тарзда халос бўлмоғи керак.

7. Ўринбосар ва уларнинг етакчиларидан кўра бошлиқ бўлган яхширок.

8. Жамиятда тартиб инсоннинг шахсий эркинлигига қараганда муҳимроқдир.

9. Ота-оналар доимо ҳақлар, уларга қулоқ солиш ва хурматлаш керак.

10. Ҳали мактабдаёқ болаларда ҳукуматга нисбатан хурмат ва бўйсунишни ўргатиш керак.

11. Жамият ва жамоада кимнинг обрўси баландроқ бўлса, мунозараларда ўша ютиб чиқади.

12. Ҳозирги ёшлар интизомни тарбиялаш ва меңнатта одатланишга талабгор.

13. Жамият билан алоқа ҳокимиятни камситади, унинг заифлиги ва ҳимояси бўшлигини кўрсатади.

14. Зўравонларни иложи борича қаттиқ жазолаш, ҳатто ўлим жазосини бериш керак.

15. Мехнатсиз роҳат йўқ, деб бежиз айтишмайди.

16. Ҳар бир инсон ўз ижтимоий даражаси, маълумотига кўра мос кишилар билан мулоқотда бўлиши керак.

9 балдан кам бўлса.

Сизда аниқ фикрнинг йўқлиги ғалати кўринса-да, обрўли етакчи ҳам, диктатор ҳам эмассиз. Балки ўзингизга нисбатан ишончнингиз камроқ. Муаммоларингиз кўп нарсаларга ҳаддан зиёд шубҳа билан қараганингиз боис, пайдо бўлса керак. Эҳтимол, психолог билан маслаҳатлашиб кўрарсиз.

10 дан 44 балгача.

Эҳтимол, сиз бошқалар ва ўзингизга ҳаддан ташқари кўнгилчан муносабатда қарайдиган одамдирсиз. Лекин ҳаммаси меъёрида бўлганни яхши! Ортиқча консерватизм (эскиликни ёқлаш), худди скептицизм (шубҳаланавериш) каби ҳаётий мўлжалларни белгилашда муаммоларга олиб бориши мумкин.

45 дан 70 балгача.

Сиз сабрли инсонсиз. Сизда адолатга нисбатан муҳаббат хусусияти мавжуд. Сиз шахснинг хукуклари ва эркинлигини ҳурмат қилиш тарафдорисиз. Одатда, қарор қабул қилиш олдидан доимо ўйлаб – фикрлаб, оқилона иш кўрасиз.

71 дан 96 балгача.

Сизга ўзгалар хукуқини ҳурмат қилмайдиган, беакл далилларга асосланган авторитар услуги хосдир. Бу кўпроқ қандайдир ўжарлик, мантиқсиз вазият ва манмансираш оқибатидир. Бу ерда ўйлаб кўриш керак бўлган жиҳатлар бор! Сиз қанча кўп балл кўп тўплаган бўлсангиз, бу жиҳатлар шунча кўпроқ даражада сизга хос. Қандайдир фурсат ўтгач, эҳтимол, яқин кишиларингиз билан биргаликда мазкур тестга қайта мурожаат қилинг. Балки натижа ўзгариб қолар.

МУЛОҚОТДА БОШҚАЛАРНИ ТИНГЛАЙ ОЛАСИЗМИ?

Ушбу тест саволларига берилган жавоблардан ўзингизга мосини танлаб белгиланг.

1. Сизнингча сухбатлашишдан мақсад нима?

- а) сухбатдошли яхшироқ ўрганиш;
- б) бирор масала бўйича ўз фикрини билдириш;
- в) фикр алмашиниш ва муҳокама қилиш.

2. Сизга кичик ёшдаги болалар тез-тез саволлар беришадими?
- а) ха, тез-тез;
 - б) ҳеч қачон;
 - в) баъзан.
3. Эрталаб ишга ёки ўқишга кетаётиб, қўшиқ ҳиргойи қиласизми?
- а) ха, доимо бир хил ашулани;
 - б) ха, одатда ҳар хил ашулани;
 - в) йўқ, ҳеч қачон.
4. Йиғилиш охирида маъруза қилган нотиққа саволлар берасизми?
- а) ха, доимо ниманидир сўрашга тўғри келади;
 - б) баъзан, унинг фикри билан қўшилмаганимда;
 - в) ҳеч қачон.
5. Дўстингиз ёки касбдошингиз билан бирор муаммо юзасидан сухбатлашгандан сўнг, ўша масала юзасидан ўз қарашларингизни ўзгартирганимисиз?
- а) кўпинча шундай бўлади;
 - б) баъзан;
 - в) ҳеч қачон.
6. Ким биландир сухбатлашаётганда...
- а) кўпроқ сиз гапирасиз;
 - б) кўпроқ сухбатдошингиз гапиради;
 - в) иккалангиз тенг гапирасиз.
7. Дўконда нархи бир хил бўлган нарсалардан қайси бирини харид килишни афзал кўрасиз?
- а) китобни;
 - б) қўшиқ ёзилган дискни;
 - в) кинога чиптани.
8. Сухбатдошингиз сизга алоқаси бўлмаган ўз муаммоси хусусида гаплашмоқда, сиз нима деб ўйлайсиз?
- а) «қимматли вақтимни йўқотдим-да”;
 - б) «энди унга таъсирим кучлироқ бўлади”;
 - в) “унга ёрдам бераяпман”.
9. Қуйидаги жумлаларнинг қайси бири сизнинг фикрингизга, нуқтаи-назарингизга тўғри келади?
- а) бирор-бир муаммо юзасидан фақат мутахассисгина аниқ фикрга эга бўлиши мумкин;
 - б) чиройли гапиришни билган одам хоҳлаган мавзусида гапириши мумкин;
 - в) кўпгина ҳолларда мутахассисларга ҳам ўз муаммолари ва гояларини баён этиш учун нотиқлик малакаси етишмайди.
10. Сухбат чоғида хаёлингиз чалғиб кетса нима қиласиз?
- а) гапираётган кишини тўхтатиб, ўша жойини қайтаришни сўрайман;
 - б) сухбат охирида сўраш учун менга ноаниқ жойини эслаб қоламан;

в) хаёлим чалғиса ҳам менга ҳамма нарса аён бўлиб туради.

11. Эрталаб радио орқали эшитган ахборот ёки қўшиқни қайтара оласизми?

а) ҳа, доимо;

б) ҳа, лекин эсга тушириш учун вақт керак;

в) эслай олмайман.

12. Қўшиқчидаги сиз кўпроқ нимага аҳамият қаратасиз?

а) овози;

б) ташки кўриниши;

в) саҳнада ўзини тутиши.

13. Концерт залларга тушиш сиз учун...

а) ҳаётдан қоникиш ҳосил қилиш учун;

б) ҳамма катори бўлиш учун;

в) севимли хонанда билан учрашув.

14. Тасаввур килинг сиз меҳмондасиз. У ерда сиздан бошқа яна 5-6 киши бор. Сиз даврада гап бошладингиз, сизни кўпинча:

а) ҳеч ким тингламайди;

б) ҳамма сизга ўз дикқатини жалб этади;

в) сиз сұхбатнинг ташаббускори эмассиз.

15. Жамиятда рўй бераётган барча ҳодисалардан хабардорсиз. Чунки, сиз...

а) мунтазам телевизор кўриб хабардор бўласиз;

б) радио эшитасиз;

в) газета мутолаа қиласиз.

Марҳамат қилиб балларни ҳисобланг:

Саволлар	а	б	В	Саволлар	А	Б	в
1	2	1	3	9	1	2	3
2	3	1	2	10	3	3	1
3	2	3	1	11	3	2	1
4	2	3	1	12	3	1	2
5	2	3	1	13	3	1	2
6	1	2	3	14	2	3	1
7	3	1	2	15	3	3	1
8	1	2	3				

Белгиланган балларни қўшиб чиқинг.

15-20 балл.

Сиз ўзгаларни тингламайсиз. Сабаби, сиз мулокот давомида факат ўзингизга мос бўлган жиҳатларни ўйлайсиз. Балки, сиз ўзгаларни тинглашдан келадиган фойданинг қадрини билмассиз. Билим ва тажриба учун тинглашнинг фойдаси катта. Бошқаларни ҳам тинглашни ўрганинг, бу сизга катта фойда келтиради.

25-30 балл.

Сиз ўртача тингловчисиз. Сиз сухбатни маълумот манбаи ва мулоқот учун етарли асос эмас, деб хисоблайсиз. Сиздан кўп фикрларни ўрганиш мумкин, бироқ ўзингиз ҳам бошқалардан кўп фикрларни олишингиз мумкинлигини, таңқид ва эътиrozлар ҳам фойдали эканлигини унутманг. Гарчи, билим ва маълумотингиз етарли бўлса-да, бошқаларни ҳам тингланг, уларнинг фикрига ҳам қулоқ тутинг.

35-45 балл

Сизда ноёб сифат – ўзгаларни тинглаш ва меъёрида гапириш бор. Сиз билан сухбатлашиш жуда яхши, чунки сухбатдош сиздан доимо наф олади. Сиз ўзгаларнинг ҳолатларини тушунишга мойилсиз, ана шу ноёб сифатни асранг. Ўз фикр-мулоҳазангиз билан сухбатдошларингизни ўзингизга ром эта оласиз.

ПЕДАГОГИК ҚОБИЛИЯТНИ АНИҚЛАШ ТЕСТИ

1. Дарс бошланди, ҳамма дарс билан машгул. Лекин бир ўқувчи қулиб юборди. Сиз унга қарадингиз. У эса: “Қачон сиз дарс ўтсангиз кулгим келади”, - деди. Сиз эса:

- А) Зўр-ку, дейсиз унга қараб;
- Б) Нимаси кулгили?
- В) Бемалол кулаверинг;
- Г) Нима ахмоқмисан?
- Д) Ҳазилкашларни яхши кўраман.

2. Гуруҳда бир неча вақт дарс ўтганингиздан сўнг сизга ўқувчи: “Сиз бизга бирор – бир нарса ўргатишингизга қўзимиз етмаяпти”, - деди. Сиз эса:

- А) Сенинг вазифанг ўқиш, ўргатиш эмас;
- Б) Сенга ўхшаганни албатта хеч нарсага ўргатиб бўлмайди;
- В) Балки бошқа гурухга ўтарсан;
- Г) Ўзингда ҳохиш йўқ;
- Д) Нега шундай деб ўйладинг?

3. Сиз ўқувчига топшириқ бердингиз, у эса сизга:

“Мен бу вазифани бажармайман”, - деди. Сиз:

- А) Хоҳласанг ҳам, хоҳламасанг ҳам вазифани бажаришга мажбурсан;
- Б) Бўлмаса нега ўқишишга келдинг?
- В) Ўзинг учун ёмон;
- Г) Нима билан тугашини ўйляяпсанми?
- Д) Нима учунлигини тушунтириб бера оласанми?

4. Бир ўқувчи сизга “мен ҳам бошқа ўқувчилардек, “аъло” ўқишим мумкин. Шунча ҳаракат қилсан ҳам бўлмаяпти”, - деди. Сиз эса:

- А) Билмадим дейсиз унга қараб;
- Б) Албатта ўқий оласан;

В) Сенинг қобилиятинг яхши. Мен сенга ишонаман;

Г) Нега ўзингга ишонмайсан?

Д) Кел, муаммонгни қандай ҳал қилиш мумкинлиги ҳақида гаплашиб олайлик.

5. Дарсга кираётганда ўқувчи сизга “Жуда чарчабсиз, кўринишингиз ёмон”, - деди. Сиз нима дейсиз?

А) Менга бундай дейишинг маданиятсизлик;

Б) Ҳа, мен жуда чарчадим;

В) Мен ҳакимда қайфурма ўзингни ўйла;

Г) Яхши ухломадим, ишим жуда кўп эди;

Д) Эътиборинг учун раҳмат.

6. Ўқувчи сизга: “Мен сизнинг фанингизни яхшироқ билишим мумкин, чунки, ҳамма фанларни яхши ўзлаштира оламан”, - деди. Сизнинг жавобингиз қандай?

А) Ўзингни юқори баҳолайсан;

Б) Шу қобилиятинг билан – а?!

В) Демак, ўзингга ишонасан, бўлиши мумкин;

Г) Кўп ҳам ўзингга ишонма;

Д) Сенга ишонаман, чунки қобилиятинг бор, меҳнат қилсанг эришасан.

7. Ўқувчи сизга: “Мен яна дафтаримни уйда қолдирибман”, - деди.

Сизнинг жавобингиз қандай?

А) Яна қолиб кетдими?

Б) Бунчалик мастьулиятсизсан!

В) Ўзингни қўлга олишинг керак;

Г) Нега? Нима учун қолдиридинг?

Д) Бирор сабаби бор бўлса керак.

Ушбу ҳолатларга қандай жавоб беришингизга қараб, ўзингизнинг педагогик қобилиятингиз намоён бўлади. Саволларга қўйидагича балл беринг. А – 1, Б – 2, В – 3, Г – 4, Д – 5 балдан қўйиб чиқинг. Қайсини белгилаган бўлсангиз, хисоблаб чиқинг. Тўплаган балингиз натижаларига кўра қўйидагича хусусиятга эгасиз:

7 -14 гача бўлса, сиз умуман педагог бўла олмайсиз.

15-25 гача бўлса, сиз педагог бўла оласиз, лекин идеал эмас. Баъзида бошқа касбларга ўтиб кетиш ҳолатлари кузатилиши мумкин.

26 -35 гача бўлса, сиз ҳақиқий педагогсиз, идеал педагог бўлишга имкониятингиз бор. Идеал педагоглардан яхши раҳбарлар чиқишини унутманг.

СИЗНИ ҲАҚИҚАТ УЧУН КУРАШУВЧИ ИНСОН ДЕЙИШ МУМКИНМИ?

1. Дүстингиз оғир ахволда:

- а) ўзингизни ундан олиб қочишига ҳаракат қиласиз ва унинг муаммоларига аралашмасликни лозим күрасиз – 0 балл;
- б) тезликдә унга қўлингиздан келганча ёрдам кўрсатишга ҳаракат қиласиз – 2 балл;
- в) дўстларингиздан ёрдам сўрайсиз – 1 балл.

2. Шартнома тузишингизга тўғри келса, сиз:

- а) оғзаки берилган вайдаға ҳам ишонасиз – 1 балл;
- б) ишончли бўлиши учун шартномани ёзма равишда тузасиз – 2 балл;
- в) ўзингиз истаган пайтда шартномани бекор қилиш мумкинлигини кўзлаб иш тутасиз – 0 балл.

3. Бирор-бир қийинчиликка дуч келсангиз:

- а) ўзингизга ишонмайсиз ва ўйлаган ишингиздан воз кечасиз – 0 балл;
- б) ҳаммаси ўз-ўзидан яхши бўлиб кетишини кутасиз – 1 балл;
- в) қийинчиликни енгишга ҳаракат қиласиз – 2 балл.

4. Тўсатдан сизга ёқимсиз савол беришса:

- а) миянгизга биринчи келган фикрни айтасиз – 0 балл;
- б) яхшилаб ўйлаб кейин жавоб қайтарасиз – 1 балл;
- в) дарҳол жавоб берасиз ва кўпинча бу жавобингиз ўринли бўлади - 2 балл.

5. Ким биландир баҳслашиб қолдингиз ва ўзингизни ноҳақ эканлигингизни билдингиз:

- а) хатоингизни тўғрилайсиз – 2 балл;
- б) ноҳақлигингизни билсангиз ҳам баҳслашишда давом этаверасиз – 0 балл;
- в) баҳсни тўхтатасиз - 1 балл.

6. Сизнингча ҳақиқат учун курашиш- бу

- а) осон иш эмас ва бу шароитга боғлик – 0 балл;
- б) асабийлашишга олиб келади – 1 балл;
- в) керак ва шарт – 2 балл.

7. Бошқача фикрлаётган дўстингиз билан баҳслашсангиз, сиз:

- а) уни ўз фикрингиз тўғрилигига ишонтира оласиз – 2 балл;
- б) ўз фикрингизда қоласиз – 1 балл;
- в) у сизни ўз фикрининг тўғрилигига ишонтира олади – 0 балл.

8. Баҳсларда ахвол кескинлашиб борса:

- а) жаҳлингиз чиқади – 0 балл;
- б) асабийлашмасдан баҳслашишни давом эттирасиз – 2 балл;
- в) овозингизни кўтарасиз – 1 балл.

9. Телефон рақамлари ва уй манзилларини:

- а) тез топиш мумкинлиги учун ёзиб кўймайсиз – 1 балл;

- б) ён дафтарчангизга ёзиб кўясиз -2 балл;
- в) эслаб коласиз -0 балл.

10. Кўчада бирор билан танишиб колдингиз, яна учрашиб қолсангиз...

- а) дарҳол танийсиз -2 балл;
- б) исмини эслай олмайсиз -1 балл;
- в) қаерда ва қачон кўрганингизни эслай олмайсиз -0 балл.

11. Қаттиқ тортишувдан сўнг:

а) тортишаётган одамнинг келтираётган далилларини жуда яхши биласиз - 2 балл;

б) келтирилган далиллар эсингиздан чиқиб кетади ва буни яхшилик аломати деб биласиз -0 балл;

в) энг керакли далилни эслолмайсиз -1 балл. Тортишувга киришиш сиз учун:

- а) ким учун тортишаётган бўлсангиз ундан фойда топмоқчи бўласиз -0 балл;
- б) атрофдагилар олдида ўзингизни кўрсатмоқчисиз -1балл;
- в) ёрдамга муҳтожларнинг ёнини олмоқчисиз -2 балл.

12. Дўстларингиздан бири янгилаётган бўлса:

- а) очиқласига унга қарши чиқасиз -2 балл;
- б) нотўғри гапираётганини билсангиз ҳам уни қўллаб-куватлайсиз -0 балл;
- в) бу мавзуда сұхбатлашишдан бош тортасиз -1 балл.

Натижা:

26 балдан кўп.

Сизни ҳақиқат учун курашувчи инсон деса бўлади. Бундан ташқари, сизда ишбилиармонлик сифатлари ҳам бор. Сиз ҳақ билан ноҳақни дарров ажратса оласиз. Сиз учун ҳақиқатнинг қарор топиши жуда муҳим ва сиз қўлингиздан келганча бунинг учун курашасиз.

11-26 балл.

Сиз ҳақиқат учун курашишга ҳаракат қиласиз, лекин ҳар доим бунинг уддасидан чиқа олмайсиз. Чунки келтираётган далилларингизга ўзингиз ҳам ҳамма вақт ишонавермайсиз.

10 балдан кам.

Сиз тортишувларни ёқтирумайсиз ва иложи борича уларда қатнашмасликка ҳаракат қиласиз. Сиз учун ҳақиқат қарор топишининг унча аҳамияти йўқ.

ФЕЛЬ-АТВОРИНГИЗ ҚАНДАЙ?

1. Дүстликни қадрлайсизми?
 2. Биронта янгиликка қизықасизми?
 3. Янгисидан күра эски кийимингизни афзал күрасизми?
 4. Ҳеч қандай сабабсиз мұғомбірлик билан ўзингизни мамнун бўлгандек кўрсатасизми?
 5. Болалигингида танламоқчи бўлган касбингизни 3 мартадан ортиқ алмаштирганимисиз?
 6. Оғир вазифани ҳал этишдан олдин ўзингизга нисбатан ишончни йўқотасизми?
 7. Бирон нимани йигиб юришга ишқибозмисиз?
 8. Кўпинча энг охирги дақиқада режаларингизни ўзгартирасизми?
- Агар, 1,3 ва 7-саволга “ҳа” деб, 2,4,5,6,8-саволларга “йўқ” деб жавоб берган бўлсангиз, 1 баллдан ёзинг. Кейин уларни ҳисобланг.
- 7 дан 8 баллгача.** Сиз вазмин одамсиз. Ота-онангиз, устозлар ва дўстларингиз сиздан нолисалар, бу нотўғри феълингиз юмшоқ, хулқингиз яхши;

3-6 баллгача. Феъл-атворингиз енгил деб бўлмайди, яхши кайфиятингиз бирдан ёмонга айланиб қолиши ҳеч гап эмас. Бу эса ишда, оиласвий ҳаётда, дўстона муносабатларда акс этмай қолмайди. Ҳаётда муваффақиятга эришиш учун фақат қатъият кўрсатиш зарурлигини унутманг;

2 ва ундан кам балл. Нега ўз кучингизга ишонмайсиз? Одамларга кўпроқ ишониш ва сизни қуршаган одамлар орасидан дўст излашингиз лозим.

ОДАМЛАР БИЛАН ТЕЗ ЧИҚИШИБ КЕТАСИЗМИ?

1. Қандайдир кечада, жамоада, тадбирда эканингизни тасаввур қилинг:

а) содир бўладиган баҳслар туфайли сизда муаммолар пайдо бўлади. Атрофингиздагилар нуқтаи назарингизни ёки ўзингизни тутиш услубингиз, ҳазилларингизни қабул килишмайди;

б) ҳаммаси одатдагича рўй беради, сиз ҳамма билан яхши сухбатлашасиз, танишасиз, янги дўстлар ҳам орттирасиз;

в) одатда сиз роса зерикасиз ва тез чарчайсиз. Мабодо гаплашсангиз ҳам хар замонда ва озчилик билан сухбатга киришасиз. Кўпинча бу сизга кўнгилхушлик қиласиган жой эмасдек туюлади. Яхиси, бу ердан тезроқ жўнаб қолиб, келгусида бунақа учрашувларга бормаслик керак, деб ўйлайсиз.

2. Сизнингча, дўстларингизнинг дўстлари:

а) уларнинг ўзини тутиши унча ёқмади. Ҳатто ўзингизга: бундай нусхалар билан дўстларим қандай мuloқot қиласар экан-а, деган савол берасиз;

б) пировард натижада улар сизнинг ҳам дўстларингизга айланади;

в) улар билан зерикіб қоладиган вақтлар ҳам бўлади, мулокотда ўзгача қувонч ҳам бўлмаслиги мумкин; бироқ зиддиятли, асабий вазиятни юзага келтирмаслик учун бари-бир муносабатларни тутиб турасиз.

3. Агар сизни одамлар гавжум даврага боришга таклиф этишса:

а) вақтингиз бекорга совурилади, деб хисоблайсиз, у ерда сизнинг савиянгизга мос келадиган ҳеч қандай қизиқарли одамни учратмасангиз керак;

б) сизга ғоя яхши бўлиб туюлади, одатда бундай учрашувларга, кечаларга бориб, вақтингизни ёмон ўтказмайсиз;

в) иложи бўлса, тузукроқ баҳона топиб, боришдан воз кечасиз. Бундан ҳеч қандай яхшилик кутмайсиз, ундан кўра сокин ва тинчгина дам олишини афзал биласиз.

4. Сизни зерикарли кундалик турмушдан чалғитадиган, кўнглингизни кўпроқ ёзадиган машғулот бу:

а) сизга ҳеч ким ҳалал бермаслигини ёқтирасиз, ўзингиз каби кўнгилхушлик қила биладиган, сизга руҳан яқин инсонлар билан бирга ўтиришни хуш кўрасиз;

б) турли кишилар, таниш ва нотанишлар билан бирга вақт ўтказишни хуш кўрасиз, сизга нафакат эски дўстларингиз, балки янгилари ҳам ёқади.

в) ёлғизлиқда кўпи билан 1-2 та ўзингизга ёқадиган яқин одамлар билан бирга ишлашни яхши кўрасиз.

5. Янги одамлар билан танишар экансиз, бу сизга:

а) қийин эмас: одатда, янги танишлар эътиборингизни қозонмаслигига ишонасиз;

б) ҳар доим қизиқарли;

в) баъзан янги танишувлар яхши ишлигини тан олсангиз ҳам, бу сизга ўзгача қувонч бағишиламайди.

6. Ишда, маъруза вақтида, улфатлар орасида:

а) мулокот вақтида сизда доимо муммолов пайдо бўлади;

б) одатда, сиз ҳар қандай даврага тезда киришиб кетасиз, одамлар билан осон чиқишиласиз. Шу захоти жавоб реакцияси ҳам пайдо бўлади: атрофингиздагилар сизни қадрлайди, фикрингиз билан қизикади;

в) гарчи баъзан яхши дўстлар топсангиз ҳам, сизни ҳеч ким пайқамаслигига ҳаракат қиласиз.

7. Атрофдагилар сиз учун:

а) жамият бу - чангальзор, ҳамма ўзим бўлай дейди, одамлар бир-бирининг оёғини чалиш пайида бўлади;

б) атрофдагилар асосан яхши, меҳрибон кишилар, улардан доим кўп нарса ўрганса бўлади;

в) 1 та эски дўст 2 та янгисидан афзалроқ, ҳар сонияда сотиб юбора оладиган, ишончли бўлмаган кўп дўстдан сони камроқ яхши дўст бўлгани маъкул.

8. Сухбат давомида:

а) бўлмағур гаплар гапириб, ўз фикрини уқтиришга уринаётганларни тўхтатасиз. Гарчи бу жанжал кўтариши мумкин бўлса-да, кўпчилик сизни ўзгаларнинг фикрини тинглай олмайди, деб хисоблайдилар;

б) ҳамсұхбатингизни тинглай оласиз, агар зарур бўлса, норози бўлаётган фикрини асабийлашмай, тинч ва асосланганча рад эта оласиз;

в) ўзгалар фикрини эшиласиз (айниқса, нотаниш одамлар орасида ва катта давраларда), ўз фикрингизни эҳтиёткорлик билан ва факат зарур бўлган ҳолларда баён этасиз.

Агар “а” жавоблар кўпроқ бўлса- очик айтамиз, унчалик киришимли эмассиз, хулқ-авторонгизни ўзгартирганингиз маъкул. Етарли даражада киришиб кета олмаганингиз сизга жиддий муаммолар келтиришига рози бўлаверинг.

Агар “б” жавоблар кўпроқ бўлса – сизни табрикласа бўлади: жуда даврабоп одамсиз! Сизга мулокотнинг ўзи ҳузур бағишлайди, дўстларингизга эса сиз билан бир даврада бўлиш ёқади.

Агар “в” жавоблар кўпроқ бўлса – сиз ёлғизликка мойилсиз. Лекин бу мулокотга киришолмайсиз ва бошқаларни зериктириб қўясиз, дегани эмас. Балки “ёлғизликни ҳилватланиш деб атанг ва у жуда гўзал бўлади” деган назария тарафдорисиз. Ҳар қандай холатда ҳам ўйлаб кўринг: жамоадан хаддан зиёд ўзингизни олиб қочмаяпсизми; балки бაъзида яхши даврага меҳмонга борган маъкулдир. Ҳатто бунинг учун эски одатларни ўзгартиршига ўзингизни мажбурулаш керак бўлади.

ЎЗИНГИЗГА НИСБАТАН ИШОНЧИНГИЗ КОМИЛМИ?

1. Кимдир сизнинг нуқтаи назарингиздан фарқланадиган фикрни баён қилган чоғда:

а) ҳатто у хатога йўл қўяётган деб ўйласангиз ҳам унинг ҳақлигини тан оласиз, факат ўзингизни ёмон тарафдан кўрсатмасангиз ёки кескин вазиятни юзага келтирмасангиз бас;

б) оқибатларга қарамай баҳслашиб, ўз нуқтаи назарингизни зўр бериб ёклайсиз;

в) сұхбатдошингиз далилларини ўйлаб кўриб, сизга тўғри туюлса розилик берасиз.

2. Қандайдир қарор қабул қилишингиз талаб этилса:

а) узок ўйлайсиз, бироқ ҳар бир вариант сизга тузукроқ бўлиб туюлмайди. Ниҳоят, бирор қарорга келгандек бўлганда, хато қилдиммикан, деб хисоблайсиз;

б) миянгизга келган илк фикрни амалга оширасиз. Хато қилишим мумкин деган фикрни хаёлга ҳам келтирмайсиз;

в) сиз ҳамма “ҳа” ва “йўқ”ларни тарозида тортиб, кейин қарор қабул қиласиз.

3. Кимдир сизни ёки ҳаракатларингизни танқид қилгудай туюлса:

а) ҳатто гап жуда мухим бўлмаган нарса ҳақида бораётган бўлса ҳам, бунга катта аҳамият қаратасиз ва қайғурасиз;

б) сизни ўзгалар фикри қизиқтирумайди, бироқ жаҳлингиз чиққанини сезасиз ва ранжийсиз;

в) айтилганларни ўйлайсиз. Агар танқид қилаётганни ҳақ хисобласангиз, ниманидир ўзгартаришига уринасиз. Агар танқиднинг адолатсизлигига амин бўлсангиз, у холда ҳамма содир бўлганларни миянгиздан чиқариб ташлайсиз.

4. Нимадир ёмон чиққанида:

а) ҳатто бошқалар ранжиши учун сабаб йўқ, дейишса ҳам, бунга ўзингиз айборлигингизга деярли ишончингиз комил;

б) бунга бошқалар айбор деб хисоблайсиз;

с) агар хатога йўл кўйдим, деб хисобласангиз, гўёки шундай бўлиши керакдек қабул қиласиз ва шунга ўхшаш воқеа такрорланмаслигига ҳаракат қиласиз.

5. Маъсулиятли ишни бажариш талаб этилган чоғда:

а) бундай иш қўлимдан келмайди, дея ўйлаб, ҳаяжонланасиз (гарчи бошқалар бундай деб хисобламасалар ҳам);

б) доимо рози бўласиз, чунки уни ҳар кимдан кўра яхшироқ бажаришингизни биласиз;

в) рози бўласиз, бу ишни иложи борича яхшироқ бажаришга интиласиз.

6. Танлаш керак бўлган вақтда:

а) сиз ҳамма билан маслаҳатлашасиз, лекин нима қилишни билмайсиз.

Кўпинча сиз учун ўзгалар қарор қилишини афзал кўрасиз;

б) сизни адаштириб юбормасликлари учун ҳеч ким билан маслаҳатлашмасликни маъкул қиласиз;

в) одатда, сиз ишонган ва ушбу саволга ақли етадиган бирортаси билан маслаҳатлашасиз.

7. Бирон-бир кеча, мажлис ёки йигинда:

а) кўзга ташланмасликка уринасиз, ўзингизга эътибор қаратмасликка тиришасиз;

б) атрофдагилар ҳаммаси сизга караши учун ажralиб туришни ёқтирасиз;

в) ўзингизни бемалол ва самимий тутасиз, одатда хотиржамсиз, ҳаммаси яхши ўтишини хоҳлайсиз.

Агар “а” жавоблар кўпроқ бўлса, ўзингизга ишончингиз кам, ҳаддан ташқари иккиланаверасиз. Балки аслида қандайлигингиздан кўра ўзингизни пастрок баҳолайсиз.

Мабодо “б” жавоблар кўпроқ бўлса, ўзига қаттиқ ишонган одамдек таассурот қолдирсангиз ҳам аслида ундан эмассиз.

Агар “в” жавоблар кўпроқ бўлса, ўзингизга етарли даражада ишонган, босик, вазмин одамсиз, вазиятта мувофиқ, тўғри баҳо бериб, ўзингизни ҳам айнан шундай баҳолайсиз.

ҮЗИНГИЗНИ ТУТА БИЛАСИЗМИ?

1. Бирон-бир қарор қабул қилишдан олдин, одатда, уни яхшилаб ўйлаб оласизми?
2. Бирор нарсаны айтгандан кейин ачиниб қоладиган ҳолатлар күп бўладими?
3. Бирор нима сизни қаттиқ асабийлаштираётган бўлса, ғазабингизни яшира оласизми?
4. Кайфиятингиз ёмон бўлса, кўпинча уни юзага чиқарасизми?
5. Кейинчалик афсусланадиган қилиқларни тез-тез амалга ошириб турасизми?
6. Бирортасидан ғазаблансангиз, заҳрингизни дарҳол сочмай, кейинроқ бир оз “Совугач” гаплаша оласизми?
7. Ғазаб устида “жажл келганда акл кетар” қабилида бирон иш қилиб қўйганингизда ёки гапириб юборганингизда, кўпинча, таажжубланиб турасизми?
8. Агар бирор нарсадан ҳадиксираб турган бўлсангиз ўзгалар фикрини тинглаш ва идрок этишингиз мумкинми?
9. Очигини айтинг, аслида сабрсиз одаммисиз?
10. Жаҳлингиз чиққанида ўзингиз, феъл-авторингиз, мулоқот тарзингиз жуда ўзгарадими?
11. Бир неча қадаҳ ичгач, ўзингизни назорат этолмай қоладиган пайтлар бўладими?
12. Шахмат, шашка ўйнаётганда ўзингизни тута олмай қолган вақтлар рўй берадими?
13. Очигини айтинг, баъзан айрим одамлар умуман дунёга келмасалар яхши бўларди, деган фикр келиб қоладими?
14. Агар сизга инсон ўзини душманларча тутаётгандек туюлса (эҳтимол хатодир), ёмон муносабатда бўласизми?
15. Башарти, бирор буюм ёқиб қолса, у сизга шунчалар зарурми ёки шундай киммат буюмни ўйлаб ўтирасдан сотиб олишингиз мумкинми?
16. Нима учун у ёки бу ҳаракатни қилдим, деган саволга ўзингиз хам жавоб берадиган ҳолатлар бўлиб турадими?
17. Севиб қолганингизда ўзингизни буткул назорат килолмай коласизми?
18. Меъеридан ортиқчароқ еб-ичаётган ҳолатлар бўлиб турадими?
19. Хатарли, кескин вазиятларга бот-бот тушиб қоласизми?
20. Ҳиссиётларга берилиб, бемулоҳаза бирон-бир одамга кўпинча бўланиб қолишингиз мумкинми?

“Ҳа” жавоби учун - 1 балл, “Йўқ” жавоби учун -0 балл

“Ҳа” - 2,3,4,5,7,9,10,11,13,14,15,16,18,19,20.

“Йўқ” - 1,6,8,12,17.

11 ва ундан ортиқ баллар. Ҳаддан ташкари таъсирчансиз! Ўз қилицларингиз ва сўзларингизни тузукроқ назорат килганингиз маъқул. Бу йўл кўймаслигингиз керак бўлган кўп муаммоларни ҳал қиласи.

5 дан 10 балгача. Сиз бир оз таъсирчан одамсиз, ўзингизни сал тузукроқ назоратда тутсангиз, кейин афсусланиб юришингизга тўғри келадиган қилицлар қилмайсиз.

4 ва ундан кам баллар. Ҳиссиётларингизни тўла назоратда тутасиз, жаҳлингизни чиқариш осон эмас. Худди шундай йўсинда давом этинг.

СИЗ ҚАНЧАЛИК МУСТАҚИЛСИЗ?

1. Мактабни битиргач, ўқиши давом эттириш, келажакдаги касбга доир қандай қарор қабул қиласиз?

- а) ўз қизиқиш ва қобилияtlарингиз асосида мустакил тарзда қарорга келасиз;
- б) ота-онангиз, қариндошларингиз фикрига қулоқ соласиз;
- в) фақат энг яқинларингиз ва дўстларингиз маслаҳатини эшитасиз.

2. Сиз ўзингиз танлаган олий ўқув юртига кирмоқчисиз, бунга қандай йўл билан эришишини мақсад қилгансиз?

- а) фақат ўз кучингизга таяниб;
- б) кириш имтиҳонларини яхши топшириш ва алоқаларга таяниб;
- в) фақат алоқалар ва таниш-билишлар орқали.

3. Ўқиши даврида имтиҳон ва дарсларга қандай тайёрланар эдингиз?

- а) тиришқоқлигингизга таяниб иш кўрардингиз;
- б) курсдошларингиздан ёрдам сўрардингиз;
- в) фақат ўзгалар ёрдамига таянгансиз.

4. Ишга қандай жойлашгансиз?

- а) тақсимотга кўра;
- б) аввало, таниш-билиш, биладиган кишилар маълумотидан фойдалангансиз;
- в) таниш-билишчилик орқали.

5. Ишда мураккаб вазиятларга тушгансиз, қандай қарор қабул қилгансиз?

- а) фақат ўз тажриба ва билимларингизга суюнган холда;
- б) баъзан ҳамкаслар билан маслаҳатлашасиз;
- в) ҳамкаслар билан ҳар доим маслаҳатлашасиз.

6. Никоҳдан ўтиш танловингизга нима сабаб бўлди?

- а) сўнгги қарорни ўзингиз қабул қилдингиз;
- б) яқинларингиз фикрига қулоқ солдингиз;
- в) келин(куёв)ни аввал яқинларингизга таништирдингиз, кейин улар билан маслаҳатлашдингиз.

7. Агар хотин (эр)ингиз узоқ муддатли хизмат сафарида бўлса, ёлғиз ўзингиз, айтайлик уй-жой, мебель танлай оласизми ёки бошқа муҳим қарорлар қабул қиласизми?

а) ха;

б) шундай қила оласиз, бироқ, бу қарорни ҳозирча четга суриб турган маъқул;

в) йўқ.

8. Ўсмир чоғингизда ўз фикрингизни нечоғлик қатъият билан химоя қилгансиз?

а) ҳар доим;

б) бу борада, ҳатто, онангиз билан келишмовчиликлар ҳам чиқкан: химоя қилгансиз, лекин, улар фикрига нисбатан ҳурматни ҳам саклаб колгансиз;

в) ҳеч нимага ўзингиз қарор чиқара олмасдингиз.

9. Ҳозир хизматда, уйда, дўстлар даврасида шахсий фикрингизни қанчалик қатъият билан химоя қиласиз?

а) ҳеч қандай шарт-шароитга қарамай, албатта, химоя қиласиз;

б) аксар ҳолларда – ха;

в) камдан-кам.

10. Сиз шахс сифатида ишда, жамиятда ақлий соҳада қандай ривожланаяпсиз?

а) ўзингизни касбингизга бутунлай бағишилагансиз;

б) сиз учун турмуш ўртоғингиз ва яқинларингиз фикри жуда муҳим;

в) бироннинг фикрига тўла суянасиз.

11. Яқинларингиз соғлиги хавф остида бўлса, агар хотин (эр)ингиз ўзларига бирор зарап етказаётганини кўрсангиз:

а) уни ўз саломатлигига эътибор беришга мажбур этасиз;

б) одоб билан хотин (эр)ингизга нима қилиш кераклигини тушунтирасиз;

в) шундай қилишга уринасиз. Бироқ ҳар доим ҳам қўлингиздан келавермайди.

А-4, Б-2, В-0 балл.

30-44 балгача. Сиз ҳар жиҳатдан ниҳоятда мустақилсиз. Сиз ишингизга аралашишларига нафакат чидолмайсиз, балки ўзга киши фикрига қулоқ ҳам солмайсиз. Бирон-бир қарорингизнинг ижобий ва салбий жиҳатини ҳар доим аниқ баҳолашингизга ишончингиз комилми? Максадга эришишда ортиқча ўжарлик қилмаётганмикинсиз? Ёдингизда бўлсин, ўзига ишонч меъёрида бўлгани маъқул, акс ҳолда, у нуқсонга айланади.

16-28 балгача. Феъл-атворингиз кучли, кескин ҳиссиётларни бошдан ўтказишингиз ёмон эмас. Сиз ишончли дўстсиз. Ўзингизга, келажагингизга нисбатан ишончининг асосли. Ҳеч кимга қарам эмассиз, бироқ ҳар доим атрофдагилар фикрига қулоқ соласиз, улар эса бу фазилатларингизни қадрлайдилар.

0-14 балгача. Сиз шунчалар бекарорсизки, бу қүнгилчанлик билан чегараланади. Балки, шу боис, баъзан сизга менсимагандек муносабатда бўлишар? Нима учун мустакил эканлигинги намойиш эта олмайсиз? Меърида, албатта. Эҳтимол, бир қарорга келолмаётганингиз чехрангизда акс этмаслигини синаб кўриш керакдир. Бир оз мустакилроқ бўлинг. Шунда сизга хозир етишмаётган ўзингизга нисбатан комил ишонч пайдо бўлади.

СИЗ ҚАНЧАЛАР ЖОЗИБАДОРСИЗ?

1. Фақат телефон орқали мулокот килиб, ўз гоянгизга бировни қизиқтира оласизми?
2. Сиз унча ёқтирамайдиган одам орқали кутилмаганда муваффақиятга эришдингиз. У ҳақда фикрингиз ўзгарадими? У сиз учун мана шу лахзадан ёқимлироқ бўлиб қоладими?
3. Хат ёзганингизда сатрлар юқорилаб кетмайдими?
4. Ноҳуш саволлардан табассум килиб қоча оласизми? Сизда ўз фикрингизда қолганча баҳслашмаслик одати борми?
5. Баҳслашашётганда норози бўлгандарга қулоқ соласизми?
6. Болаликда катталарап сизни яхши кўрганми?
7. Сизга кўп ҳолларда беғараҳ, самимий хушомадлар қилиб туришадими?
8. Кўзгуга қараганингизга анча бўлдими?

“Ҳа” жавобига 1; “Йўқ” жавобига 0 балл.

7-8 балгача. Сиз жозибадор эканлигингиша ишончинингиз комил. Лекин, кечирасиз-у, ҳаддан зиёд беҳаловат ва ўзингизга ишончинингиз кучли. Дунёда ўзингизни ёқтирамайдиган инсон борлиги ҳақидаги фикрни ҳатто хаёлингизга ҳам келтирмайсиз.

5-6 балгача. Сизда жозибадорлик бор, хушмуомала одамсиз, ўз қадрингизни биласиз. Бошқалар сизни ёқтириши учунгина феъл-авторингизни ўзгартиришни ҳожати йўқ.

3-4 балгача. Сизни атрофдагилар унча ёқтиришмайди. Эҳтимол, бунга сабаб бекарорлигингиздир, ўзингизга ишончинигиз йўқлиги боис, гарчи ҳақиқат сиз тараф бўлса-да, ҳақлигингиша бошқаларни ишонтириш қийин кечади.

2 ва ундан кам балл. Сиз ҳатто ўзингизни яхши кўрмайсиз. Кўзгуга қараганингизда ҳам, бу сизга хузур бағищламайди. Аввало, ўзингизга таъсир кўрсатишни бошлаб, қандайдир тарзда ўзингизни ўзгартиришга уриниб кўринг, кейин ўзгаларга таъсир ўтказа оласиз.

СИЗ УРИШҚОҚ ШАХСМИСИЗ?

1. Тасаввур қилинг, жамоат транспортида баҳс бошланди. Сиз нима қиласиз?

- а) жанжалга аралашишдан ўзингизни олиб қочасиз;
- б) ким ҳақ бўлса, азият чаккан томонни ёқлаб аралаша оласиз;
- с) ҳар доим аралашасиз ва ўз нуқтаи назарингизни охиригача химоя қиласиз.

2. Йиғилишда йўл қўйган хатолари учун раҳбариятни танқид қиласизми?

- а) йўқ;
- б) ҳа, лекин унга нисбатан шахсий муносабатингизга боғлиқ тарзда;
- с) хатолар учун ҳар доим танқид қиласиз.

3. Бевосита раҳбарингиз сизга унча рационал бўлиб туюлмаётган иш режасини баён этяпти. Унга ўзингизнинг яхшироқ режангизни таклиф этасизми?

- а) агар бошқалар сизни қўллаб-қувватласа, ҳа;
- б) сиз ўз режангизни ёқлайсиз, албатта;
- с) танқид учун сизни мукофотдан маҳрум этишларидан қўрқасиз.

4. Ўз ҳамкасларингиз, дўстларингиз билан баҳслашишини ёқтирасизми?

- а) фақат хафа бўлмайдиганлар билан ва баҳслар ўзаро муносабатларни бузмаган чоғда;
- б) ҳа, лекин фақат принципиал ва муҳим масалалар бўйича;
- с) ҳамма билан ва ҳар қандай сабаб билан баҳслашаверасиз.

5. Кимdir навбатсиз сиздан олдин ўтиб кетишига уриняпти:

- а) сиз ундан ёмонмасман деб ҳисоблаб, навбатда турганлардан айланиб ўтмоқчи бўласиз;

- б) ичингизда жаҳлингиз чикади;
 - с) ўз норозилигинги очиқ айтасиз.

6. Тасаввур қилинг, касбдошингизнинг рационализаторлик таклифи ва экспериментал иши қўриб чиқилмоқда, унда илғор ғоялар билан бир қаторда, камчилик ва нуқсонлар ҳам бор. Сизнинг фикрингиз ҳал қилувчи қарор бўлишини биласиз. Қандай йўл тутасиз?

- а) ушбу лойиҳанинг ҳам ижобий, ҳам салбий жиҳатлари ҳақида фикрингизни билдирасиз;

- б) ишидаги ижобий жиҳатларни ажратиб кўрсатасиз ва уни давом эттириш имконини беришни таклиф этасиз;

- с) уни танқид қила бошлайсиз, янгилик киритиш учун хатога йўл қўйиш ярамайди.

7. Тасаввур қилинг: қайнанангиз пулни иқтисод қилиш ва тежаб ишлатиш ўрнига аямай ишлатаверишингиз ҳақида гапираверади, ўзи эса

қимматбаҳо нарсалар харид қилади. У ҳозир ўзининг энг охирги харида ҳакида сизнинг фикрингизни билмоқчи. Унга нима дейсиз?

- а) агар бу унга хузур бағишласа, маъқуллайсиз;
- б) бу дидсиз нарса экан, дейсиз;
- с) у билан шу хусусда ҳамиша баҳслашасиз ва жанжаллашасиз.

8. Чекаётган ўсмирларни қўриб қолдингиз, қамдай йўл тутасиз?

- а) “Ёмон тарбия кўрган шумтакалар учун кайфиятимни бузиб нима қиласман?” деб ўлайсиз;
- б) уларга танбех берасиз;
- с) агар бу жамоат жойида бўлса, уларни уришиб берасиз.

9. Ресторанда хизматчи нарх-навони ортиқча ёзиб юборганини сезиб қолдингиз?

- а) бу ҳолда, ҳалол хизмат қилгани учун тайёрлаб қўйган чойчакангизни бермай қўя қоласиз.
- б) ундан кўз ўнгингизда қайтадан ҳисоблашини сўрайсиз;
- с) бу жанжал чикариш учун баҳона бўларди.

10. Сиз дам олиш уйидасиз. Маъмур хонанинг йиғиширилиши, таомноманинг хилма-хиллигини назорат қилиш каби ўз вазифаларини бажариш ўрнига бошқа ишлар билан машғул бўлиб, ўз кўнглини хушлаб юриди. Бу сизнинг жаҳлингизни чиқарадими?

- а) ха, лекин унга ҳатто норозилик билдирсангиз-да, бу бирон нарсани ўзгартирмаса керак;
- б) сиз ундан шикоят қилиш йўлини топасиз, уни жазолашсинлар ёки бўшатишсин;
- с) сиз норозилингизни кичик ходимлар: фаррош ва официантларга тўкиб соласиз.

11. Сиз ўсмир ўғлингиз билан баҳслашиб, унинг ҳақлигига амин бўласиз. Ўз хатонгизни тан оласизми?

- а) йўқ;
- б) тан оласиз, албатта;
- с) агар ноҳақ эканлигингизни тан олсангиз, обрўингиз қоладими?

А- 4; Б-2; С-0 балл беради.

30 дан 44 балгача. Сиз одоблисиз, жанжални ёқтирмайсиз, ҳатто кескин вазиятларни силлиқлай олсангиз ҳам улардан узокрок юрасиз. Баҳсга киришишга тўғри келган чоғда бу хизмат мавқеингиз ёки дўстона муносабатларга қандай таъсир кўрсатишини инобатга оласиз. Атрофдагиларга ёқимтой бўлиб кўринишга уринасиз, бироқ уларга ёрдам керак бўлганида ҳар доим ҳам кўмаклашиш учун журъят топавермайсиз. Бу билан бошқалар кўз ўнгидаги ўзингизга нисбатан хурматни йўқотаётганингизни ўйламаяпсизми?

14-28 балл. Сиз ҳақингизда жанжалкаш шахс деб гапиришади. Бу гаплар ишингизга ё шахсий муносабатларга қандай таъсир этишига қарамай, ўз фикрингизни қатъият билан ҳимоя қиласиз.

12 балл. Кўпинча арзимас майдада-чуйда баҳсласишиларга баҳона излайверасиз. Факат сизга фойдали бўлгандагина танқид қилишни ёқтирасиз. Ҳатто ноҳақ бўлсангиз ҳам, ўз фикрингизни уқтиришга уринасиз. Сизни жанжаллашишни ёқтирадиган одам деб ҳисобласалар ранжимайсизми? Хулқингизда норасолик белгилари яширинмаганми?

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Каримова В.М., Акрамова Ф.А. Психология. Маъruzалар матни. – Т., 2005.
2. Климов Е.А. Основы психологии. – М., 1998.
3. Гозиев Э.Г. Муомала психологияси. Т.,-2001.
4. Карнеги Д. Как завоевывать друзей и оказывать влияние на людей. — М., 1990.
5. Гозиев Е.Г. Умумий психология. Тошкент. 2002.1-2 китоб.
6. Гозиев Е.Г. Муомала психологияси. Т-2001.
7. Веденская Л.В, Павлова Л.А. Деловая реторика: учебное пособие для вузов.- М.:ИКС “МарТ”, 2004-512 с.
8. Немов Р.С. Практическая Психология Познание себя: Влияние на людей:Пособие для уч-ся-М:Гуманит. Изд.Центр ВЛАДОС, 2003, - 320 с.
9. Гозиев Э. Олий мактаб психологияси. – Т.: 1997.
10. Давлетшин М.Г. Ўкувчилярда техник қобилиятнинг ривожланиши. – Т.: 1991.
11. www.expert.psychology.ru
12. www.psycho.all.ru

МУНДАРИЖА

Кириш	3
Мулоқот	5
Мулоқотда психологияк таъсир воситалари	11
Мулоқот ва уни ўрганиш муаммолари	12
Мулоқотда тинглаш маҳорати	15
Педагогик мулоқотни ташкил этиш	18
Нутқ тўғрисида тушунча. Нутқнинг турлари ва функциялари.....	20
Дипломатик мулоқот	22
Муомала маданияти ва унинг асосий шакллари	24
Инсонлар ўртасидаги муомалада ёлғонни аниқлаш ва ишончсизлик ташхиси.....	26
Рахбарлик фаолиятида муомала маданияти	26
Мулоқотда низоларнинг юзага келиш психологик сабаблари	29
Мулоқотга оид психологик тренинг.....	31
Мулоқотга оид фикрлар	33
Сиз қандай сухбатдошсиз?.....	34
Рахбарлик фаолиятида ҳукм ўтказасизми?.....	35
Мулоқотда бошқаларни тинглай оласизми?.....	36
Педагогик қобилиятни аниқлаш тести	39
Сизни ҳақиқат учун курашувчан инсон дейиш мумкинми?	41
Феъл-авторингиз қандай?.....	43
Одамлар билан тез чиқишиб кетасизми?	43
Ўзингизга нисбатан ишончнинг комилми?.....	45
Ўзингизни тута биласизми?	47
Сиз қанчалик мустақилсиз?	48
Сиз қанчалик жозибадорсиз?	50
Сиз уришқоқ шахсмисиз?.....	51
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	54

Нурматова Мамлакатхон

МУЛОҚОТ ВА МУОМАЛА ПСИХОЛОГИЯСИ

(Үқув-услубий қўлланма)

Мухаррир: С. Каримова
Тех.мухаррир: X. Амирдинов
Мусахҳих: С. Аъзамова

Босишга 03.11.2015 йилда руҳсат этилди.
Қоғоз бичими 60x84 1/16. Офсет қоғози. Шартли босма табоби 5,25.
Нашриёт хисоб табоби 5,0. Адади 100 нусха. Буюртма №132.

СамДЧТИ нашр-матбаа марказида чоп этилди.
Манзил: Самарқанд шаҳри, Бўйтонсарой кўчаси, 93-уй.